Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 61 (7. 150) ◉ 1990 йил 15 март, пайшанба ◉ Баҳоси 4 тийин.

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

«Совтрансавто» бирлашмасидан янги «Узинтранс» ишлаб чиқариш бўлинмаси ажралиб чиққанига роса бир йил бўлди. «Узинтранс» қудратли «маз»лар ёрдамида Ўзбекистондан Осиё ва Европа мамлакатларига олиб бориладиган халқаро юкларни ташиш вазифасини ўз зиммасига олди.

Даставвал бир неча рақамларни келтирамиз. «Узинтранс» ҳайдовчилари ўтган йили ҳар хил молларни ортиб турли шаҳарларга олти юз мартадан кўпроқ қатнадилар. Маршрутлар географияси кенг: ХХР, Афғонистон, Югославия, Болгария... Ҳозир автокорхона кўп юк ортиладиган ва сўнгги модификациядаги ярим прицеплари бўлган 80 та автомобиль билан жиҳозланган.

«Узинтранс»га ишга кириш учун даъвогар қийин имтиҳондан ўтиши керак бўлади. Чунки у жуда малакали профессионал бўлишининг ўзи камлик қилади. Ишга қабул қилинаётганда ҳамма нарса — чет тилларни билишдан тортиб баҳодирона саломатликкача ҳисобга олинади.

Бу йил «Узинтранс» халқаро рейсларни деярли икки баравар кўпайтиради. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаати ҳамкорлиги кенгайиши билан автокорхонага тушаётган буюртмалар ҳам кескин кўпайиб кетди. Ҳозир республикамиз билан Греция ва ГФР ўртасида мунтазам авторейслар очиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаяпти.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1990 йил 14 март куни ўз ишини давом эттирди. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР Президенти лавозимига номзод кўрсатиш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Пленум ишида КПССдан СССР халқ депутатлари иштирок этдилар.

Пленумда Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, СССРнинг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ю. В. Дубинин, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Лучинский, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков сўзга чиқдилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР Президенти лавозимига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевни номзод этиб кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев сўзга чиқди.

КПСС Марказий Комитети Пленуми ўз ишини давом эттиради.



⊙ НУР ТАРАТУВЧИ. 10-автомобилларни таъмирлаш заводининг электрчиси Туроб Ниёзов.

Т. Каримов сурати.



Наврўз — дилларга ҳамроз

⊙ НАВРЎЗ айёми тобора яқинлашмоқда. Шу кунларда бутун республикамизда бўлгани каби жонажон Тошкентимизда, унинг барча районларию бири-биридан чиройли даҳа ва мавзеларида, маҳаллаларда, оилаларда баҳор ва дўстлик айёми бўлган Наврўз байрамига қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шаҳримизнинг 300 дан знёд маҳаллаларида ҳам бунга қизғин тараддуд кўрилмоқда. Бири-биридан оқибатли, бири-бирига меҳрмуҳаббатли бўлган кишилар Наврўз айёмида дастурхонларга тортиладиган таомлар — сумалак ва ҳалим тадоригини кўрмоқдалар.

Дарҳақиқат, шу куни байрам дастурхони атрофига маҳалланинг кексаю ёши, турли миллатга мансуб бўлган кишилари тўпланиб, умумхалқ шодиёнасини ўтказишади. Шу боисдан «Маҳалладош» газетасининг бугунги сонини Наврўзи оламга бағишладик. Ундаги мақолалар сиз, азиз муштарийларга манзур бўлади деган умиддамиз.

СССР халқ депутатлари съездида

МОСКВА. (ТАСС). 14 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездида Конституциядаги бир қанча қоидаларга ўзгартишлар тўғрисидаги масала қонун йўли билан ҳал этилди.

СССР Конституциясига сиёсий система масалаларига доир (СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур моддаларнинг янги таҳрири демократияни янада ривожлантириш, жамиятимизда сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг қарор топиши, бошқарувнинг барча соҳаларида халқ оммаси иштирокининг кенгайтирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, мамлакатда янги сиёсий партиялар, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар пайдо бўлиши имкониятини назарда тутади.

СССР Конституциясининг иқтисодий система асосий жиҳатларини белгилаб берувчи моддалари ҳам тубдан ўзгартирилди. Яқинда қабул қилинган СССРда мулкчилик тўғрисидаги Қонун ва Ер ҳақидаги Қонун асослари ана шу янги моддаларнинг манбаи бўлди. Уларнинг асосий мақсади — ходимнинг ишлаб чиқариш воситасидан бегоналашувини бартараф этиш, мулкчиликнинг турли шакллари мустаҳкамланиши ва рағбатлантирилишини имкони борича кўпроқ таъминлаш, одамларнинг омилкорлик ташаббусини жонлантиришдан иборат.

Мамлакат Асосий қонунига махсус боб киритилган бўлиб, унда президентни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва масъулияти, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилган.

СССРнинг биринчи Президенти СССР халқ депутатлари съезди томонидан сайланиши ҳам белгиланди. Кейинчалик Совет давлатининг бошлиғи ялпи, тенг ва тўғридан тўғри сайланиш ҳуқуқи асосида беш йил муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади. СССР Президенти қилиб сайланган киши қасамёд қилган пайтдан бошлаб лавозимни эгаллайди. Қасамёд матни тасдиқланган.

СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга кирди.

СССР халқ депутатлари съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Журналистлар уюшмаси қандай бўлиши керак?

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкентдаги бошланғич ташкилотлари вакилларининг 13 март куни бўлиб ўтган учрашувида ижодий уюшма фаолиятини янгилаш масалалари кўриб чиқилди. Республика Журналистлар уюшмаси правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Р. А. Сафаров шу ҳақда гапирди. Республика Журналистлар уюшмаси правлениеси раисининг ўринбосари А. М. Муҳаммаджонов ва «Мухбир» — «Корреспондент» журналининг бош муҳаррири Г. Г. Неклесса йиғилиш аҳлини СССР Журналистлар уюшмаси правлениесининг февраль ойининг охирида бўлиб ўтган пленуми якунлари билан таништирдилар. Пленумда ижодий уюшмага раҳбарлик ва унинг VII съездини чақириш масалалари муҳокама қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Н. Е. Ғойибов Америка телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари билан Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ўртасида алоқалар ўрнатиш тўғрисида гапирди.

СССР Журналистлар уюшмасининг бўлажак съездига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

ПАХТАДАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

13 март куни Тошкентда республика илмий-техника конференцияси очилди. Конференцияга пахтадан озиқ-овқат саноати учун хом ашё сифатида фойдаланишга доир Ватанимиз олимлари тайёрлаган энг янги ишланмалар тақдим этилди. Конференцияни озиқ-овқат саноати Бутуниттифоқ илмий-техника жамиятининг Ўзбекистон республика правлениеси билан озиқ-овқат саноати Ўрта Осиё илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти ташкил этди. Конференцияда ўзбекистонлик олимлар ва амалиётчилардан ташқари, бошқа пахтакор республикалардан келган мутахассислар, Москва, Ленинград, Киев олимлари ҳам қатнашмоқдалар.

Неча ўн йиллардан бери озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун ғўза тули қисмларини қайта ишлаш муаммоси тадқиқ этилмоқда. Айниқса кейинги йилларда бу соҳада самарали ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда фақат чигитни яхшилаб қайта ишлашнинг ўзи ўнлаб номдаги озиқ-овқат маҳсулотларини олишни таъминлаяпти. Линт, кунжара, ғўзапоя ва унинг бошқа қисмларидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда.

Конференция қатнашчилари ҳамкасбларига бир қанча илмий асарларини, шунингдек, бир қанча ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш ва автоматлаштиришга доир таклифларини ҳам тақдим этадилар.

(ЎзТАГ).

ГАПДОНЛИКДАН ИШ ЯХШИ

Очиғини айтиш керак, ҳали бундай ошкоралик ва демократия замони бўлган эмас. Одамларга чинакам эрк, тўла ҳуқуқ берилди. Улар муаммоларни дадил ўртага ташлайдиган бўлдилар.

Республика партия ва ҳукумати халқ мушкулини осон қилиш йўлида астойдил ғамхўрлик қилаяпти. Бу инсонпарварлик нишоналари кўзга кўриниб қолди. Пахта яккаҳокимлигига аста-секин барҳам бериляпти, боғ-роғлар кўпаймоқда. Пиллачилик ва бошқа соҳалардаги муаммолар ҳам одилона ҳал этиляпти. Қишлоқ аҳлига эътибор кучайди. Томорқа ерлари бериляпти. Уй-жой солиш учун қулай имкониятлар яратиляпти. Наврўз тикланди. Бошланғич синф болаларини бепул овқатлантириш йўлга қўйилди. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранларига эътибор кучайди, пенсиялар ошмоқда.

Хўш, яна нима керак! Шу кеча-кундузда одамлар орасида тарқалаётган миш-мишларнинг сабаби нимада!

Қуйида турли тоифадаги кишилар билан мухбиримизнинг суҳбатини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Р. ЭРГАШЕВ,

Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветерани.

— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, ёшим 90 га кириб, ҳали биронта рўзномага шикоят қилган ёки хат-хабар йўллаган эмасман. Эсимни танибманки, Юнусободда яшайман. Кетмон чопиб экин экаман. Не-не оғирчилик йилларни кўрдик, очлик азобини бошдан кечирдик, уруш жабрини тортдик, бирлашиб душманни енгдик. Шундай кезларда ҳам топганимизни одамлар билан бирга баҳам кўрдик. Йиқилганда бир-биримизни суядик. Бунақа дориламон замонни орзу қилақила, уни кўра олмай кетганлар қанча орамизда?!

Партия ва ҳукуматимизга минг раҳмат, кеча-кундуз эл-юрт ғамида. Турмушимизни фаровон қилиш, баркамол яшашимиз учун ҳеч нарсани аямаяпти. Шундай экан, биз ҳам борига қаноат ҳосил қилиб замонага ярашиғлиқ иш тутмоғимиз, қийинчиликларни мушоҳада билан оқилона бартараф этмоғимиз, ҳар бир қадамда адолатга суянмоғимиз, инсофли бўлмоғимиз керак.

Ҳар қандай муаммоларни ақл-идрок йўли билан, босиқлик билан ҳал этиш одилона иш. Келинг, азизлар, инсофу адолатли бўлайлик, ўзлигимизни унутмайлик, Наврўз байрамини ёруғ юз билан кутиб олайлик.

Ж. ЖАМИЛОВ,

асбобсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ветеран ишчиси.

— Доноларнинг нақл қилишларича, бир кун жанжал бўлган хонадондан қирқ кун барака кетар экан. Бу-ку бир хонадон экан, борди-ю бу жанжални бир район, қишлоқ миқёсида тасаввур қилсак-чи? Эҳ-ҳе, у озмунча дилларга озор етказиб, озмунча инсонлар қалбига ғулғула соладими?

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартиби ва гражданлар хавфсизлигига қарши қаратилган ҳаракатлар учун масъулиятни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Шу ўринда ўз-ўзидан шундай савол туғилади: хўш, митингбозликлардан, турли-туман уйдирмалардан бизга нима фойда? Ҳали бирон замонда халқ қорнини митинглар билан тўйғазиб бўлган эмас ва бўлмайди ҳам. Устига-устак жанжал тўполону, бақириқ-чақириқлар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Барча эзгу ниятларга фақат меҳнат орқали эришиш мумкин.

Мен оддий ишчиман. Корхонамизда турли миллат вакиллари бор. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишлаяпмиз. Мақсадимиз ҳам, маслагимиз ҳам бир. Кўпроқ ишлаб, халқ хўжалигимизга мўл ва сифатли маҳсулот етказиб бериш, оилалар учун тақчил бўлган истеъмол буюмларининг хили ва турини кўпайтириш. Турмушимиз фаровон, оиламиз тинч бўлсин, бахтли ҳаёт кечирайлик деган жумҳуриятимизнинг ҳар бир кишиси миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига йўл бермайди. Зеро, халқда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган нақл бежиз айтилмаган.

Э. АРГОВА,

шаҳар Советининг депутати, қоғоз фабрикаси цех бошлиғининг ўринбосари.

— Ўлкамизда баҳор кезмоқда. Она табиат уйғонмоқда. Далалар яшил либосга ўраляпти. Нақадар бағри кенг, саҳоватли она тупроғимиз бор. Ерга чўп тиқсанг кўкаради бу заминда.

Баҳорда кимни кўрманг ер бўшатган, дарахт эккан, ток тагини юмшатган. Шундай заминда яшаётганингдан фахрланасан. Одамлар меҳнатига тасаннолар айтасан. Бизни бир нарса ташвишга солади: у ҳам бўлса кейинги пайтларда юз бераётган нохуш воқеалар. Ахир жанжал-тўполон билан битадиган ишни биргаликда ва осойишталикда, ақл-идрок билан ҳал этсак бўлмайдими? Наҳот қалби дарё одамларимиз бунга қодир бўлмаса? Албатта, қодир.

Ўзбекистонда неча-неча миллат ва элат фарзандлари яшайди. Уларни йиллар бирлаштирган, дўстлаштирган. Бу дўстлик оғирчилик дамлари синовдан ўтиб, уруш йиллари янада мустаҳкамланган. Бу дўстлигимизга раҳна солмоқчи бўлганлар чуқур янглишадилар. Бир нарса мени ҳайрон қолдиради. У ҳам бўлса, кўча-кўйда, транспортда, жамоат жойларида турли «миш-миш»ларнинг тарқалаётганлигидир. Бундай «билимдонлар» гапга шундай тўн кийдиришадики, худди ўша жойда, воқеа устида бўлиб, ўз кўзлари билан кўргандек ўз сўзларига сизни ишонтирмоқчи бўлишади. Ваҳоланки, ҳақиқатни уларга тушунтиришимиз керак. Албатта, бу ўринда биз депутатлар ҳам фаол бўлишимиз керак. Демоқчиманки, юртимиз тинч бўлса, кипригимизга заррача ғам қўнмаса кунларимиз осойишталик ва хушнудлик билан ўтади.

Суҳбатдош М. КОМИЛЖОНОВ.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

●

ҚОҲИРА. Миср хавфсизлиги органлари ўзини «Танзим Ал-жиход» («Муқаддас уруш ташкилоти») деб атовчи экстремистик гуруҳнинг 11 нафар раҳбарини қамоққа олди.

Миср Араб Республикаси ички ишлар министри Муҳаммад Абдул Ҳалим Мусанинг МЕНА агентлиги мухбирига хабар қилишича, мазкур гуруҳ Қоҳира жанубидаги Эл Минья вилоятида аҳолини диний негиздаги тўқнашувларга ундаш билан шуғулланган. Ўтган ҳафтада шу вилоят қишлоқларида мусулмон мутаассибларидан иборат оломон христианлар ўртасида бир неча бор ур-йиқит қилган. Гуруҳ бошлиғи қўлга олинаётганда ҳалок бўлди.

●

ТУНИС. Бу ерда Араб давлатлари уюшмаси кенгашининг ташқи ишлар министрлари даражасидаги сессиясида қабул қилинган баёнот тарқатилди. Ҳужжатда яҳудийларнинг Совет Иттифоқидан келиши ва уларнинг босиб олинган араб территорияларида жойлаштирилиши «фаластин халқи ва бутун араб миллати ҳуқуқларига катта хавф» солиши айтилган.

●

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон авиакомпаниясига қарашли А—320 самолёти Бангалор аэропортига қўнаётганида ҳалокатга учраган эди. Бунга двигателнинг ишламай қолгани сабаб бўлган. Авария тафсилотларини ўрганиб чиққан маҳаллий ва чет эллик экспертлар шундай хулосага келишди. Авария оқибатида 93 йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлди, 53 киши жароҳатланди.

●

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Шри-Ланкага қарши қўпорувчилик фаолиятини олиб боришда ўз территориясидан фойдаланишга йўл қўймайди. Бу ерда бўлиб ўтган брифингда Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили шуни маълум қилди. Бу огоҳлантириш, деб уқтирди у, Шри-Ланкада ҳаракат қилаётган барча жангариларнинг гуруҳларига даҳлдордир.

Шри-Ланка ҳукумати билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин, деб хабар қилди ташқи ишлар министрлигининг вакили, тамиллик 1600 қочоқ Ҳиндистонга олиб келинди. Улар орасида кўплаб аёллар ва болалар бор.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Бизни ташвишга солаётган муаммолар

ФИРМА ЭГАЛАРИГА ЭНДИ НИМА ДЕЙМИЗ?

Эни икки метр бўлган хом сурп тошкентлик тўқимачиларнинг жаҳон бозорига чиқиши учун йўл очиб берди. 36 та «СТБ» дастгоҳи билан жиҳозланган тўқимачилик участкасида дастлабки маҳсулот тайёрланиши биланоқ Тошкент тўқимачилик фабрикасига газламани ҳатто ишлов берилмаган ҳолида ҳам сотиб олишга тайёр турган чет эл фирмаларидан таклифлар кела бошлади. Эни икки метрли сурпнинг афзалликларидан кўпгина мамлакатлар муваффақиятли фойдаланишмоқда. Бу афзаллик шундан иборатки, газламани бичиш чоғида ундан анъанавий эни 90 сантиметрли газламага нисбатан анча кам чиқинди қолади. Демак, бундай газлама тежамлироқ, у билан ишлаш ҳам енгилроқ бўлади.

Корхона тўқимачилик участкаларини тўла қайта жиҳозлашни ва уларни эни икки метрли газламалар чиқаришга мослашни режалаштирмоқда. Лекин бу газламага қаерда ишлов бериш мумкин? Айни пайтда пардозлаш корхонасини реконструкция қилиш, уни лавсан қўшилган ип газлама тайёрлашга ўтказиш масаласи кўндаланг бўлди.

Тошкентлик тўқимачилар «Технопромимпорт» ёрдамида Ғарбий Германиянинг «Бабкок» фирмаси билан алоқа боғлаб, у билан ускуналар етказиб бериш ва уларни ўрнатиш тўғрисида шартнома туздилар. Фирма ходимлари июнь ойига бориб бутун технчкани етказиб бериш, инженерларимизни у билан ишлашга ўргатиш, 1991 йилнинг июль ойида эса йилига 25 миллион метр газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган линияни ишга тушириш мажбуриятини олди. Бу арзонга тушмайди — чет эл валютаси ҳисобида саккиз миллион сўм кетади. Лекин комбинат коллективи сарф-харажатлардан чўчимаяпти.

Бир қарашда асосий масалалар ҳал қилингандек кўринади, ускуналар чет элдан ўз вақтида келиб турибди. Пардозловчилар эса ҳайрон — валютага сотиб олинган дастгоҳлар тўғри омборга келиб тушиб, чанг босиб ётибди, маънавий жиҳатдан эскириб қоляпти. Ўзи нима гап?

Графикка кўра Ғарбий германиялик мутахассислар шу йилиёқ дастгоҳларни ўрната бошлашлари керак. Лекин улар ишларни қурилаётган объект тўла битказилганидан кейингина бошлаймиз, деб шарт қўйдилар. Объектда эса ҳозирча устунлар ва томдан бўлак ҳеч вақо йўқ. Бош пудратчи — «Ташгорпромстрой» трестининг 63-қурилиш-монтаж бошқармаси фақат ўтган йилнинг ўзида йиллик пландаги 1,5 миллион сўм ўрнига атиги бир миллион сўм капитал маблағни ўзлаштирди. Гоҳ одамлар етишмаслигини, гоҳо эса йиғма темир-бетон, металл конструкциялар ўз вақтида етказиб берилмаётганлигини баҳона қилишмоқда.

Яна қурувчилар айбдорми? Э, йўқ буюртмачи, яъни Тошкент тўқимачилик фабрикасининг дирекцияси уларга шу пайтга қадар оқартириш-мерсеризациялаш ва бўяш—гул солиш корпусларининг лойиҳасини бермади.

Лойиҳа бўлмаса шу кунгача қандай қуришаётган эди? Гап шундаки, реконструкциянинг ўзи йигирма йилдан бери давом этаяпти, лойиҳа эса шу вақт ичида уч марта ўзгарди. Барча ишларни Москвадаги 1-Давлат лойиҳалаш институти бажараяпти. Энг оддий масалани ҳал қилиш учун баъзан ойлаб вақт кетмоқда. Шундай экан, қурилиш ишларининг юқори суръатларига эришиш, реконструкцияни тугаллаш тўғрисида гапиришга ҳали эрта.

Қурувчилар ишни реал муддат — келаси йилнинг тўртинчи кварталида тугаллаш мумкинлигини, лекин бунинг учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва материаллар билан тўла таъминлашлари зарур эканини айтишмоқда. Фирма ходимлари эса қурилиш нима учун бунчалик чўзилиб юборилаётганлигидан ҳайрон бўлишмоқда. Уларда ҳатто чўзилиб кетадиган қурилиш деган тушунчанинг ўзи йўқлиги учун буни уларга қандай тушунтириш мумкин, деб якунлайди ўз мақоласини ЎзТАГ мухбири М. Ким.



⊙ УСТОЗ МЕҲРИ. Тошкент упа-элик фабрикасининг тажрибали созловчиси Виктор Краснов шогирди билан. Т. Каримов сурати

Илгариги мавзуга қайтамиз

ЙЎЛОВЧИ МАҲТАЛ БЎЛМАСИН

БЕКАТДАГИ «интизор» йўловчилар пешонасига «64» деб ёзилган автобусни кўришлари биланоқ, олтин топгандек, юэлари ёришиб кетди. Одамлар бир-бирларини туртиб-суртиб, ўзларини ичкарига ура бошлашди.

— Кечирасизлар ўртоқлар! — кутилмаган овоздан одамлар ғимирлашдан тўхтаб, бутун вужудини эшик олдида турган кишига қаратди.

— Бир минут вақтингизни оламиз, — деди у. — Биз «Ташгорпасстранс»данмиз. Мазкур маршрут қатнови ва бошқа шаҳар транспортининг қатнови ҳақида сизларнинг мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

Қандай эътироз ва таклифларингиз бор? Бемалол айтаверинглар.

Кутилмаганда гўё «Тила тилагингни, бажо келтираман» деган сеҳрли балиқчага дуч келгандек, бу мурожаат одамларни эсанкиратиб қўйди. Чунки, ҳар куни, ҳар қамдамда кечикиб, қимматли вақтларини йўқотаётган бу йўловчилардан ҳали ҳеч ким «Аҳволинг қалай?» деб сўрамаганди-да!..

— Ҳайрият, отангга раҳмат. Қайта қуриш шарофати билан азим ўзгаришлар бўлаяпти-да, — деб қўйди олдинда ўтирган оппоқ соқолли қария.

Одамлар бир-бирига гап бермай арз-додини тўкиб солишди...

Шаҳар пассажир транспорти барча турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ва шаҳар транспорти корхоналарининг ходимлари биргаликда йўловчилар билан бир неча бор ана шундай мулоқотда бўлдилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб транспорт аҳволини чуқур ўргандилар. Натижада йил бошидан буён 363 та ташкилот ва корхоналар графикда кўрсатилган иш тартибини бузганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга барча транспорт муассасаларига иш графиги белгиланган паспорт топширилди. Бу назорат қилиш ва шоферларнинг тартибга риоя этиш масъулиятини яна ҳам оширишга ёрдам беради.

Бошқармада жамоатчилик фикрини чуқур ўрганиш ва шунга суянган ҳолда иш кўриш кенг йўлга қўйилмоқда. Бу борада келаётган хат ва аризаларга ҳам эътибор кучайган. 1989 йилда бошқармага 135 та шикоят ва таклифлардан иборат мактублар келган. Шундан 59 таси шикоят, 69 таси таклифлардир. Улардан янги линияларни очиш ва маршрутларни ўзгартириш борасида кенг фойдаланилди. Бошқарма ва корхона аъзолари нафақат йўлдаги йўловчилар, балки тўғридан тўғри ишлаб чиқариш корхоналарига бориб, меҳнат коллективлари билан мулоқотда бўлдилар. Бундай учрашувлар «Тошкент трактор заводи»да, «Миконд», «Таштекстильмаш», «Зенит» заводларида, 1-пойафзал, «Малика» трикотаж, «Средазкабель» каби бир қатор корхоналарда ва шунингдек, Тошкент Давлат университетида бўлиб ўтди. Меҳнат коллективларининг фикр ва мулоҳазаларини бевосита ўрганиш жараёнида пойабзал фабрикасига хизмат қилувчи 95-автобус графиги икки марта қисқартирилди. «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларининг кечки сменаси учун автобус, троллейбус ва трамвайларнинг махсус рейслари уюштирилди. «Зенит», «Миконд», «Тошкент трактор заводи» каби корхоналарга бириктирилган транспорт воситалари қаттиқ назорат остига олинди.

— Транспорт воситалари хизматини яхшилаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?

Бу саволимизга шаҳар пассажир транспорти барча турларини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Отаулла Маннопович Мўинов жавоб берди:

— Ўтган йили 6 та автобус, 4 та микроавтобус, 3 та троллейбус ва битта трамвайнинг янги маршрут линиялари очилди. Шунингдек, айрим маршрутларга ўзгартиришлар киритилиб, қатнови тезлаштирилди. Бундан ташқари кўпчилик пассажирлар талабига кўра бир қатор маршрутларга қўшимча яна 21 та бекат қўшилди. 79 та бекат майдони қурилиб, уларга соябон, ўриндиқлар, хўжалик сумкалари учун илгичлар ўрнатилди. Ҳозир шаҳарда 2000 та идораларга тегишли ва буюртмалар бўйича чиқариладиган автобуслар бор. Шулардан йўлда учраган йўловчиларни ташиш учун 1200 таси ажратилган. Ана шу 1200 та автобуснинг ўзи йил охиригача 10 миллиондан зиёд фойда келтирди.

Ҳаммамизга маълумки, Тошкент шаҳрида бу йил кўплаб турар жой бинолари қурилиши мўлжалланган. Булар «Жарариқ», «Белтепа», «Сергели—7, 8, 8а», «Дўстлик—2». Куйбишев шоссеси, «Марказий хиёбон» ва «Қатортол» даҳасидир. Бундан ташқари янги қурилаётган «Ўрикзор» ва «Қўйлиқ» массивларига ҳали кўплаб аҳоли кўчиб ўтади. Турар жойларининг ёппасига кўпайиши транспорт хизмати воситаларининг ишини ҳам қайтадан кўриб чиқишни талаб қилади. Шуларни назарда тутган ҳолда «Жарариқ» даҳасидан метронинг «Беруний» станциясигача янги автобус маршрутларини очиш, 4 та автобус, 2 та троллейбус ва 1 та маршрутли такси линиясини жорий этиш мўлжалланмоқда. 1990 йилда 12 километрли пассажир транспорти қатнайдиган кўчалар қурилади. Булар Калинин даҳасидаги Г—46, Г—40, Г—36 деб шартли номланган кўчалардир. Бундан ташқари Чиковани ва Сапёрлар кўчаси оралиғида 8,3 километрли трамвай линияси, 2-Қорақамиш массивининг 4-микрорайонидан «Зенит» заводигача 4 та кучланишли подстанция, «Тинчлик» ва «Беруний» станциясигача 3 километрли линия, генерал Узоқов, Ниёзов ва Ал Хоразмий кўчаларида 25,4 километрли троллейбус линияси фойдаланишга топширилади. Шу сингари яна кўпгина массивларда янги линияларни қуриш мўлжалланмоқда

Аммо, маршрутлар бўйича асосий ўзгаришлар метронинг «Чорсу», «Тинчлик» ва «Беруний» станцияларни қуриб битказилишидан сўнг маълум бўлади. Чунки метро ишга тушиши муносабати билан 19 та автобус, 14 та трамвай, 14 та троллейбус ва 22 та микроавтобуслар маршрутлари бўшаб, улар бошқа маршрутларга ўтказилади. Ҳозирча 1990 йил жами 2 та автобус, 2 та троллейбус, 1 та трамвай янги линияларини очиб, 27 та автобус, 14 троллейбус ва трамвай, 6 та маршрутли такси маршрутларини қайтадан тузиш режалаштирилган. Шу билан бирга 1990 йилдан 1995 йилгача замонавий талабларга жавоб берадиган 24 та автостанция қурилиши мўлжалланган.

К. СУЛТОНОВА.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ЗАРУР

бу ерда ҳам хўжалик раҳбарлари, ҳам ишлаб чиқариш ходимлари кўпгина янгиликлардан хабардор бўлишлари ва ўз иқтисодий билимларини бойитишлари мумкин эди-ку. Ҳолбуки, етилган иқтисодий муаммолар бугун ҳаммани ўйлантиряпти. Ҳозир иқтисодиётдаги эскича ёндошувлардан қатъий воз кечиш, иқтисодий масалаларда ошкораликни таъминлаш пайти келди. Корхонада иқтисодий таълим етакчиларидан бири Анвар Юнусовичнинг бу фикрини бирлашма бош директори И. К. Саидов ҳам тўла қўллаб-қувватлайди. Унинг фикрича, иқтисодий таълимда энг муҳими иқтисодий тарбиядир. Ахир кишилар илгарилари бўлганидек қуруқ лекция эшитиш учунгина машғулотларга келмайдилар-ку. Бугунги кунда уларни амалий семинарлар, амалий ўйинлар, етилган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган «думалоқ стол» атрофидаги учрашувлар кўпроқ қизиқтиради. Бошқача қилиб айтганда, фикрни қўзғатадиган, мияга озуқа берадиган машғулотлар керак.

— Менинг таклифим шундай, — дейди Исмоил Каримович, — иқтисодий таълим соҳасининг таъсирчанлигини ошириш учун фақат бир томон лекция ўқиб, иккинчи томон тинглаши эмас, балки ўзаро жонли мулоқот, ишчи билан мутахассис ўртасида амалий баҳс уюштирилиши лозим.

Бирлашмада ўқув йили учун план тасдиқланган. Иқтисодий таълим бўйича кенгаш ташкил этилган. Уларда фақат лекциялар ўқиш эмас, балки раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаб бориш, группаларда кенгаш аъзоларининг мунтазам иштирок этиб боришини таъминлаш, тажрибаларни оммалаштириш кўзда тутилган.

Биз биринчи марта ҳеч қачон қўлланилмаган усулни қўллашни мўлжаллаяпмиз: иқтисодий семинарларнинг раҳбарлари бирлашма иқтисодий бўлимлари ва иқтисодий таълим раҳбарларига саволлар берадилар.

Албатта, иқтисодий таълим мавзуларини номма-ном айтиш мумкин. Аммо гап бунда эмас. Бу мавзулар мактаблар ва семинарлар, университетларда яхши маълум. Бу мавзулар шак-шубҳасиз меҳнаткашларнинг иқтисодий билимини бойитишга ёрдам беради. Автотранспорт корхоналарида қандай янгиликлар содир бўлаётганидан хабардор бўлишади, фойдаланилмаётган имкониятларни яхшироқ илғаб оладилар. Кўпроқ ташаббускорлик кўрсатиб, янада юксакроқ натижаларга эришадилар.

Ўтган йилнинг октябрь ойидан шу йилнинг март ойигача барча 9 та ишлаб чиқариш-иқтисодий семинарларда, группаларда 60 дан зиёд машғулотлар бўлиб ўтди. Илмий-тадқиқот ишлари ва конструкторлик изланишлари бўйича 55 та доклад тингланди. Шуниси қизиқки, ана шу докладлар бўйича 160 га яқин тингловчи ўз фикрларини билдирди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир тингловчи ўзига маъқул бўлган мавзуни танлаб олиш имконига эга. Унга ўзи ёқтирмаган мавзу мажбуран тиқиштирилмайди.

Бизнинг бирлашмамизда иқтисодий таълимни ташкил этишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, барча ишлаётганларнинг 90 фоизга яқини таълимнинг у ёки бу шаклига жалб этилган. Агар ишнинг сифатига назар ташласак, ҳали бу борада кўпгина вазифалар турибди. Шунинг учун ҳам тарғиботчиларни рағбатлантиришга жиддий эътибор беришимиз зарур. Масалан, группанинг энг яхши раҳбар-тарғиботчиси, аълочи докладчи, фаол тингловчи каби номлар таъсис этдик. Шунингдек, рағбатлантириш тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Кўриниб турибдики, амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳозирги пайтда, яъни бутун республикамиз мустақил хўжалик ҳисобига ўтишга тайёргарлик кўраётган бир чоғда биз, автотранспортчилар олдида ҳам катта муаммолар турганлигини яхши биламиз. Ҳар бир кишидан ўз иш жойида янада юқори унум билан меҳнат қилиш талаб этилмоқда. Бу эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун ҳар бир киши муайян тайёргарлик даврини бошидан кечириши, яъни ўз иқтисодий билимларини чуқурлаштириши лозим. Бусиз меҳнатда кўнгилдагидек натижаларга эришиш мумкин эмас. Кўзланган мақсадга эришиш учун ҳозирги мураккаб иқтисодий аҳволдан қандай қилиб чиқишнинг истиқболларини равшан кўра билмоқ керак. Бу эса иқтисодий билимларсиз бўлмайди.

А. ГОРЕЛКИН,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг «Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий таълим кенгашининг раиси, иқтисод фанлари номзоди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Халқ назорати

⊙ Ҳозирги кунда шаҳримизнинг келажаги ва унинг қандай бўлишини ўйламайдиган одам топилмаса керак. Тошкентда кўп йилларда бери яшайман. Шу давр ичида бу азим шаҳар кўз ўнгимда анча ўзгарди, чирой очди. Янги турар жой даҳалари, кўчалар, хиёбонлар барпо этилди. Метронинг бир неча бекатлари ишга туширилди. Албатта, бу ўзгаришлардан қувонмай бўлмайди.

АММО шунга монанд шаҳар ҳаётининг бир қанча соҳалари жадал ривожланмаётгани, гуркираб яшнамаётгани одамни ташвишга солади. Ким билан гаплашманг кейинги вақтда шаҳар экологиясининг бузилиб кетаётганидан, боғ-роғларнинг, яшил майдонларнинг тобора ўз қиёфаси йўқолиб бораётганидан ташвишланиб айтган сўзларини эшитасиз. Турғунлик йилларининг илдизи шаҳримизнинг яшил либосига ўз соясини солди. Уни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштиришга эътибор сусайиб кетди. Лекин бугунги кунда биз ҳаётга синчков назар ташлаяпмиз. Ўз хатоларимизнинг такрорланишига йўл қўймаслик учун астойдил ҳаракат қиляпмиз. Бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида партия-хўжалик фаоллари билан яқинда бўлиб ўтган кенгашда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумҳуриятимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам яшил майдонларни кўпайтириш, боғ-роғлар барпо этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди. Эндиликда бу муҳим ишларни адо этишга алоҳида куч-ғайрат сарфланмоқда. Турар жойларда, маҳаллаларда дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш қизғин паллага кираяпти.

Куни-кеча Ҳамза районининг бир гуруҳ депутатлари ҳамшаҳарларимизга Мурожаат билан чиқдилар. Ҳаммани муборак айём — Наврўз байрамини муносиб нишонлашга, муҳим сана олдидан якшанбалик ўтказиб, шаҳарни гуллаб-яшнатишга даъват этдилар. Район депутатларининг хайрли ишини қўллаб-қувватлаймиз. Якшанбаликда ҳаммани фаол иштирок этишга чақирамиз.

Ю. ҲАКИМОВ,
хизматчи.



⊙ ҲАМКАСАБАЛАР. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Тошкент ишлаб чиқариш комбинати ва А. Килякова. илғорларидан Ш. Қўчқорова, С. Шофайзиева, М. Урунова Т. Каримов сурати.

ЧАЛА ИШНИНГ ОҚАВАСИ

Шаҳримизда кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Турар жой бинолари, маданий-маиший объектларни тез ва сифатли бунёд этаётган қурувчиларни кўриб, кўнглингиз қувнайди. Ер ости коммуникацияларини ётқизишда улар қоидаларга ва лойиҳаларга қатъий амал қилишлари керак. Ана шу қоидаларда ва лойиҳаларда қайси ишнинг қандай бажарилиши, қурувчиларнинг ҳуқуқ ва вазифалари аниқ кўрсатилган. Жумладан, буюртмачи билан давлат қабул қомиссиясининг актига имзо чекувчилар ҳам ана шу қоидалардан бир қадам ҳам чекинилмаслигини назорат қилишлари лозим.

Аммо сув ва канализация қувурларини ётқизишда мавжуд қоидаларнинг қўпол бузилишлари ҳам учраб туради. Мисол учун шаҳримиздаги 6-туғруқхонада вужудга келган аҳволни олиб кўрайлик.

1989 йилда тўла фойдаланишга топширилган туғруқхона қурилиши «Главташкентстрой»нинг 8-трести бунёдкорлари томонидан олиб борилган эди. Туғруқхонага сув қувурларини ўтказиш ишлари эса «Таштрансспецстрой» трестининг 71-қурилиш бошқармаси кучи билан амалга оширилганди.

— Кўргазмаларимиз 1986 йилдан бошланган, — дейди туғруқхона бош врачи Е. Н. Осипова. — Инженерлик тармоқларининг сифатсизлиги туфайли ўтган вақт мобайнида уч марта авария рўй берди. Даставвал сув ва канализация оқавалари ертўла ва ҳовлини босди. Даставвал бу хабар ноўрин ҳазил деб қабул қилинди. Кўпсонли қизғин кенгашлар ўтказилди, иш графиклари тузилди. Аммо шошилган қиз эрга ёлчимайди, деганларидек, югур-югурлар кўп ўтмай тўхтади, ертўлани эса сув босиши давом этаяпти. Канализация ишламаяпти. Тўғри-да трестнинг ўз планлари бор, чала ишни ниҳоясига етказиш билан шуғулланишни ким ҳам хоҳларди.

«Водоканал» трести техника бўлимининг бошлиғи Б. Аҳмаджонов имзо чеккан справкага қараганда, 6-туғруқхонанинг янги биносига водопровод тармоқлари фойдаланишга ва балансга қабул қилинмаган. Туғруқхона маъмуриятининг тушунтириш хатида эса «Водоканал» билан 2000-йилгача шартнома тузилган, абонент номеримиз 33/21 деб кўрсатилган. Кимга ишонса бўлади? Мантиқ қани?

Лойиҳа бош архитектори Г. Подколзиннинг ёзишига қараганда, сув қувурларини ётқизиш лойиҳаси «ТашНИИгенплан» институти томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бош пудратчи томонидан лойиҳага амал қилинмай бунёд этилган. Лойиҳада уларни К. Маркс кўчасидаги қувурга улаш, узлуксиз сув таъминотини таъминлаш учун туғруқхонага икки қатор қувурнинг ўтказилиши кўзда тутилган.

Чала ишнинг оқаваси эса ҳамон туғруқхона жамоаси кайфиятини хуфтон қилмоқда.

В. АБРАМСОН,
шаҳар халқ назорати комитети штатсиз қурилиш бўлими мудирининг ўринбосари.

Хориждан хабарлар

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Оддий америкаликлар Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда ҳозир рўй бераётган ижобий ўзгаришларга қандай муносабатда бўлмоқдалар? СССРдаги сиёсий ислоҳотлардачи? Чет эллардаги воқеалар уларнинг теварак олам тўғрисидаги ва Қўшма Штатларнинг ундаги роли ҳақидаги тасаввурларига таъсир ўтказаяптими? «Нью-Йорк таймс» газетасининг мухбирлари АҚШнинг турли районларида ишчиларга, фермерларга, корчалонларга, хизматчилар ва студентларга шундай саволар билан мурожаат қилишди.

Хилма-хил жавоблар олинди. Лекин, газетанинг фикрича, сиёсий қарашларнинг хилма-хиллигидан қатъий назар, фикри сўралганларнинг барчаси америкаликларнинг ўзлари тўғрисидаги ва теварак олам ҳақидаги тасаввурлари сўнгги бир йил ичида шак-шубҳасиз жуда ўзгарди, деган умумий фикрдадир.

Фақат айрим америкаликларгина, деб таъкидлайди «Нью-Йорк таймс» совуқ уруш тугаганини Қўшма Штатларнинг «галабаси», деб ҳисобламоқда. Аксарият кўпчиликнинг фикрича, бу урушда ҳеч ким ғолиб чиқмаган ва ғолиб бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Уларнинг ҳеч қайсиси энди Совет Иттифоқини Қўшма Штатларга уруш хавфини солиб турган манба деб ҳисобламаяпти. Гарчи уларнинг ҳаммаси ҳам СССРдаги сиёсий ислоҳотлар охирига етказилишига ишонмасада, совет жамиятини демократиялаш жараёнига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

⊙ ВАШИНГТОН. АҚШ конгресси вакиллар палатаси даромадлар ва харажатлар комитетининг раиси Дэн Ростенковски мамлакат Федерал бюджети камомадини беш йил ичида тугатиш планини илгари сурди. Бу кўрсаткич 1982 йилдан буён муттасил юз миллиард доллардан юқори бўлиб келяпти. Уч марта 200 миллиарддан ошди, сўнгги уч йил ичида эса қарийб 150 миллиард долларни ташкил этмоқда. Натижада Қўшма Штатларнинг давлат қарзи сўнгги ўн йилликда уч баравар кўпайди ва ҳозир уч триллион долларга етган.

«Бюджет камомади мамлакат ичидаги ва чет элдаги муаммоларни ҳал қилишдаги имкониятларимизни чеклаб қўйяпти. Миллий қарз фоизларини тўлаш энг катта сарф-харажатлар орасида учинчи ўринда турибди: фақат мудофаа ва социал таъминотга қилинаётган харажатларгина бундан кўпроқдир», — деб уқтирди Ростенковски якшанба куни «Вашингтон пост» газетасида эълон қилинган мақолада.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон иқтисодиёти кўпгина қийинчиликларга қарамай, кейинги йилларда яхши суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Эълон қилинган маълумотларга қараганда, ўтган 1988—89 молия йилида ялпи ички маҳсулот ўзгармас нархларда 10,4 фоиз ўсди. Унинг даражаси 1980—81 йил бўйича белгиланади. Бу асосан қишлоқ хўжалигининг шарофати билан амалга оширилди. Бу тармоқда 170 миллион тоннадан зиёд ғалла йиғиб олинди. Бу — ўтган йилги 140 миллионли ҳосилдан анча кўп. Ялпи миллий даромад ўзгармас нархларда 11 фоиздан кўпроқ ошди. Рупий билан ҳисоблаганда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад деярли ўн етти фоиз кўпайди. Бироқ, хабарда таъкидланишича, пулнинг қадрсизланишини ва нархларнинг ошганини ҳисобга олганда, реал ўсиш тўққиз фоизни ташкил қилди.

⊙ БЕРЛИН. ГДР Халқ палатасига 18 март кунига белгиланган сайловга камроқ вақт қолган сари республиканинг турли шаҳарларида сайловолди кураши қатнашаётган ҳилма-хил партиялар ва сиёсий бирлашмаларнинг митинглари, учрашувлари, бошқа тадбирлари тобора кўпроқ ўтказилмоқда.

Эркин демократлар уюшмасига бирлашган партиялар — Германия анжуман партияси, Германия либерал-демократик партияси ва эркин демократик партия вакиллари ва асосий номзодлари, шунингдек ГФР эркин-демократик партиясининг раиси Ламбсдорф ва шу партиянинг Ғарбий Германия Бундестагидаги фракцияси раҳбари Вольфганг Мишник Берлинда матбуот конференцияси ўтказадилар. О. Ламбсдроф ўз нутқида хусусан, Федератив республика ГДРни «ютиб» юбориши сира мумкин эмаслигини таъкидлади. ГФР конституциясининг 23-моддаси бирликка эришиш имконини беради, деди у. Бироқ, биринчидан, ГДРнинг эркин сайланган ҳукумати шундай таклиф киритиши керак, иккинчидан эса, бунинг учун муайян юридик ишларни қилиш зарур.

⊙ НЬЮ-ЙОРК. Гаитилик қочоқлар АҚШ ҳукуматининг Гаитининг собиқ президенти Аврилга бошпана бериш тўғрисидаги қарорига қарши норозилик билдириш ниятида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Флорида штатидаги Майами шаҳрида жойлашган базаси дарвозаси олдида тўпландилар. У ва унинг оила аъзолари АҚШга С—141 ҳарбий-транспорт самолётида олиб келинган эди. «Бу ерда тўпланишимиздан мақсад, — деди қочоқлардан бири, — Аврилнинг Гаитига қайтариб юборилишини талаб қилишдир. У кўп одамларнинг ёстиғини қуритган. Уни Гаити халқи суд қилиши, турмага қамаши ёки қатл этиши лозим».

«Йўқолсин Аврил!», «Гаитида озодлик ва адолат тиклансин», —деб ҳайқиришди АҚШ ҳарбий базаси ёнида тўпланганлар. Улар Аврил инсон ҳуқуқларини бузишда ва ўз сиёсий рақибларини ўлдиришда айбланиб, судга берилишига эришиш учун Америка суд муассасаларига мурожаат қилишларини таъкидладилар.

⊙ БМТ. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Кипр муаммоси масалалари юзасидан музокараларда воситачилик қилаётган БМТ Бош секретарининг ваколатлари шу тариқа кенгайтирилди. Шу билан бирга, Хавфсизлик Кенгаши манфаатдор томонларни вазиятни мураккаблаштириши ва Кипр муаммосининг ҳал этилишига ҳалал бериши мумкин бўлган ҳар қандай ҳаракатлар қилишдан эҳтиёт бўлишга даъват этди.

(ТАСС).

НАВБАҲОР ОЧИЛДИ ГУЛЛАР, САБЗА БЎЛДИ БОҒЛАР

КЕКСАЛАР ҚАДРИ



НАВРЎЗ — уйғониш, яшариш, покланиш демак. Ҳар бир киши, айниқса, биз, кексалар улуғ айёмга соғ-бардам етиб келганимизга шукроналар айтиб, ўтган умрга бир назар ташлаб қўямиз.

Эътибор берган бўлсангиз, кейинги вақтларда кексалар ёшлар бор даврага кам қатнашишаяпти. Сабабини сўрасанг «Замон ёшларники, ўйнабкулишсин», дейишади. Аслида ҳам шундаймикан? Кимнинг хурсандчилик дамларида, масалан тўй-ю, томошаларда иштирок этгиси келмайди. Баъзи ёшлар эскилик ва дин тарафдорлари деб, ёши улуғ кишилардан маслаҳат сўрамайдиган бўлишди. Улар қадрига етмай қўйдилар.

Мен маҳалламиздаги тўй ўтказувчи комиссия аъзосиман. Ўтган йили хонадонларнинг бирида никоҳ кечасини очиб, келин-куёвга бахт-саодат тиладим. Сўзимнинг охирида эса: «Бизда ичкилик қўйилмайди, бунинг учун узр. Дастурхондаги қимиз ва лаззатли таомлардан тотиб, бемалол кўнгил очиб ўтиринглар», — дедим. Шунда саньаткорлар билан келган йигит даврани бошқараётиб: «Ичкиликсиз тўй ўтарканми?», деса бўладими. Хонадон эгалари уялганидан столларга арақ-виноларни териб ташлашди. Очиғи, шу куни мен ранжиб, кетиб қолдим. Кейин билсам, ичкилик қўйилмаган пайтда ўртадаги ўйинчига кўп пул қистирилмас экан. Пул, бойликни деб ҳурмат, инсоф ва одамгарчиликни йўқотмаяпмизми?

Катта ҳаётий тажрибага эга қарияларимиздан ҳеч қачон ёмон маслаҳат чиқмайди. Лекин баъзи ёшларга ахлоқ-одоб ҳақида гапирсангиз ёқмайди, ўз билганларидан қолмайдилар. Яқинда «Инқилоб хиёбони» бекатида 10-троллейбусдан 5-6 нафар ўсмирлар тушишди. Қўлларидаги паттани махсус қути бўлишига қарамай ерга ташладилар. Ғашим келиб танбеҳ бердим.

— Эй бобой, бекатни супурадиган фаррош бор-ку, — деди улардан бири масхараомуз. — Агар патталарни ерга ташламасак, улар нима иш қиладилар?!

Ёши катталар билан бундай муомала қилиш одат тусига кириб бораяпти. Ишонган тоғимиз, умидимиз, келажакда оғиримизни енгил қилувчи ёшларнинг шунчалик тубанлашиб кетишига сабаб нима? Мен 80 ёшга яқинлашдим. Ўғил-қизларим, 18 невара ва 10 эварам бор. Уларнинг бирортаси одобсиз эмас, ўзидан катталарга гап қайтармайди. Хонадонимизда бирор йиғин бўлиб қолса ёки давра суҳбатларида кўпинча атрофдагиларни салом бериш, кексаларни ҳурмат қилиш, кичикларга меҳрибон бўлиш, отаонани қадрлашга ундайман. Ҳар биримиз шундай қилсаккина ёшлар ва қариялар ўртасидаги кўз илғамас «девор» йўқолиб, оқибатимиз қадр топади.

Абдуфаттоҳ НАБИХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Киров районидаги Янгиариқ маҳалла комитетининг аъзоси.

АЗАЛИЙ УДУМЛАРИМИЗ

⊙ Ўлкамизда Наврўз ҳар йили нишонланади. Аммо айёмга ажиб руҳ бағишловчи қадимий урф-одатларимиз унутилмаяптими? Жамоатчи мухбиримиз шундай савол билан бир неча кишига мурожаат қилди:

Муножат Мираҳмедова, Куйбишев райони, «Янги Москва» маҳалласида яшовчи, 83 ёш:

— Байрамдан бир кун илгари маросим учун гўжа (бўтқа) пишириларди. Таом етти хил ёрма (буғдой, арпа, нўхат, жўхори, гуруч, мош, ловия)дан тайёрланган. Айём куни барча қариндошуруғ ва қўшниларга тарқатиб чиқардик.

Анъанага кўра дастурхон ўзига хос тарзда ясатиларди. Унда таомлардан ташқари, «С» ҳарфи билан бошланувчи етти хил табиат инъоми бўлиши шарт эди. Булар — сабзи, сепенд (тошбақатол), сиб (олма) сир (саримсоқпиёз), сирка, сатар (тоқ чўп) ва сумак (тотим).

Орахон ая Тўйчиева, Октябрь районидаги «Полиграфия» маҳалласида яшовчи, 83 ёш:

— Наврўз куни, бўйига етган қизлар бир жойга тўпланиб, чиройли гулчамбарлар ясашарди. Булоқдан афсуски ҳозир шаҳримизда бирорта булоқ йўқ) кўзаларда сув олиб ичига узук, исирға, танга ташлашган. Кейин қўшиқ, лапарлар остида сувдан чиқариб олинган қуръа бахт рамзи ҳисобланиб, бўлғуси куёвдан дарак берган.

Рустам Абдуллаев, Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг замонавий музика ва фольклор бўлими катта илмий ходими:

Абу Райҳон Беруний XI асрда эронийларнинг Наврўз кунлари етти хил бошоқли ўсимлик уруғини махсус патнисларда ундиришгани ва уларнинг кўкаришига қараб келгуси йил ҳосили ҳақида хулоса чиқаришгани ҳақида ёзиб қолдирган.

Баҳор байрами куй, қўшиқ, лапар, рақслар билан гўзал. Кейинги пайтда негадир ажойиб фасл даракчиси бўлган гуллар ҳақидаги «Бойчечак», «Гулсиёҳ», «Гулсуруҳ», «Гул очилди», «Лола», «Кизил гул» каби халқ куйи билан айтиладиган қўшиқларни жуда кам эшитаяпмиз.

Суҳбатдош Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

НИҲОЛЛАР

БУНДАН 30-40 йиллар аввал гўзал пойтахтимизга «Тошкент — боғлар шаҳри» деган таъриф ҳам бериларди. Вақт ўтиши билан Чилонзор, кейинчалик Қорақамиш, Юнусобод, Ҳасанбой даҳаларидаги мевали боғлар йўқолиб кетди. Бунёдга келаётган кварталлар, кўп қаватли бинолар оралиғига эса кўпроқ манзарали дарахтлар ўтқазила бошланди. Бугунги кунда табиат ва атроф-муҳитга нисбатан нотўғри муносабатда бўлганимиз яққол сезилмоқда. Наврўз шарофати билан эса кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин олиб борилаяпти. Маҳаллаларни обод қилиш, бу жойларда яшаётган аҳолига етарли шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилаяпти. Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасининг бўлим мудири Н. Толибжонов қуйидагиларни айтиб берди:

— Бугунги кунда шаҳримизнинг барча маҳаллаларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. 1990 йилга фақат маҳаллаларнинг ўзига 140 минг довдарахт ва буталар ўтқазилади. Шундан 4,5 минг тупи манзарали, 2,5 минг тупи мевали, қолгани эса яшил тўсиқ ва атиргул кўчатларидан иборат. Кўкаламзорлаштиришда ҳар бир районнинг табиати ва майдони ҳисобга олинаяпти. Энг кўп ниҳоллар Октябрь ва С. Раҳимов районларига ажратилди. Биргина Октябрь районидаги маҳаллаларга қўшимча 100 туп мевали кўчатлар ўтқазилиши кўзда тутилган. Шуниси ачинарлики, ҳар йили минг-минглаб ниҳоллар қадалади, аммо ўз вақтида суғорилмаётгани ва парвариш қилмаслик оқибатида кўпчилиги нес-нобуд бўлаяпти.

Масалан, 1989 йилда шаҳар бўйича 83,5 мингта манзарали, 631,8 минг дона буталар экилган бўлса, шулардан 65 фоизи тутди, холос. Бунинг асосий боиси сув танқислигидир. Шу ўринда лойиҳалаш институтларининг эътиборсизлиги ва қурилиш объектларининг босқичма-босқич олиб борилмаслигини айтиб ўтиш керак. Масалан, Калинин даҳасида кўп қаватли уйлар қурилаётганда қурувчиларнинг бепарволиги туфайли сув ўзанлари тупроқ тагида қолиб кетди. Яна бир мисол. Октябрь районини сув билан таъминлайдиган Танишаҳар канали баъзи жойларда очиқ, баъзан ёпиқ усулда оқиб «Ганга» магазинининг олдидан қайнаб чиқади. Метро қурилаётганда қайнама бузиб юборилди, янгисидан эса наф бўлмади, Эндиликда канал ўз йўналишини ўзгартириб, сув Жангоб томондаги жарга бекорга тушиб ётибди.

Эски шаҳар атрофида яшаётганлар ҳам сувдан қийналишяпти. Нафақат янги экилган, ҳатто анча йилги дарахтлар суғорилмай қуриб қолмоқда. «Алгоритм» ва «Қизил Шарқ» даҳаларида кўп қаватли уйлар қурилди-ю, суғориш шохобчалари ниҳоясига етказилмай қолди. Борига эса сув чиқмайди.

«Наврўз» яқинлашмоқда. Афсуски, қутлуғ айём арафасида ҳали қилинадиган ишларимиз кўп. «Маҳалла» дастурида таъкидланганидек, жойларда боғлар барпо қилиш аввало ҳар биримизга боғлиқ. Бундан 4 йил олдин «Марказ-26» кварталидаги 84-уй атрофи бўм-бўш ҳувиллаб ётарди. Ҳозир эса шу жой мевали боққа айланган.

— Қандай қилиб яшнатиб юбордингиз? — сўраймиз куймаланаётган Қодир ота Раҳимовдан.

— Сабаби оддий, гап меҳнатда қизим. Илгари озгина бўлса ҳам томорқамиз бор эди. «Дом»га кўчиб чиққач, зерикиб қолдим. Майдонни ўраб, аввал тошларни тердим, кейин тупроқ ташиб текисладим. Ниҳоллар экилди. Улар вояга етгач, кўриб турганингиздек кичик боғ пайдо бўлди.

Ғайратингизга балли, Қодир ота, дегим келади.

Дония ЗОКИРОВА.

ИЛК ЭЛЧИ

ЎЛКАМИЗДА фасли навбаҳор. Ушбу дамларда Водил қишлоғи янада сўлимлашиб, чиройига чирой қўшилади.

Байрамни оқ-сариқ тусда товланувчи, хушбўй Наврўз гулисиз тасаввур этиб бўлмайди. Табиат мўъжизасидан териб келтириш учун ёшлар «Комсомол чўққиси» деб аталувчи энг баланд тоғ бағрига чиқадилар. Кўпни кўрган отахон ва онахонлар «Тинчлик, омонлик бўлсин, шу яшнатиш фаслига омон-эсон етайлик», дея гулларни димоғларига босишади.

Қумрихон СУЛТОНОВА,
Фарғона Давлат педагогика институтининг аспиранти.

ҚИРЛАРГА ОШИҚАМАН

БУНДАН икки йил илгари армия хизматидан қайтган эдим. «Тоқчиён» қишлоғим, унинг гўзал табиатини жуда соғинган эканман. Баҳор келиши билан яшиллик барқ уриб турган қирлар дарҳол ўзига чорлади.

Наврўз гулидан бир қучоқ териб 103 ёшга кирган Азизой момомни йўқладим. Хонага киришим билан ҳаммаёқни муаттар ҳид тутиб кетди. Момомнинг кўзлари ожиз бўлишига қарамай:

— Наврўз гули-ку. Шу кунларга етказганига шукур,— дея энтикиб қўйди. — Абдураҳмон амакинг (яъни ўғли) ҳам жуда яхши кўради. Бир пайтлар қучоқ-қучоқ териб келтирарди. Энди бетоб бўлиб тўшакка михланиб қолди.

Момомнинг илтимосига кўра уни суяб амаким ётган хонага олиб кирдим.

— Наврўз келди, қут-барака келди, — деди у бурчакдаги каравотга оҳиста яқинлашар экан. — Тур ўрнингдан, ўғлим. Аммо у ердан садо чиқмади. Амаким оламдан ўтган эди...

Баҳорда қирларга ошиқаман. Наврўз гуллари барқ уриб очилади. Улардан терар эканман, момомнинг гаплари ёдимга тушади: «Наврўз келди, қут-барака келди...».

Қаҳрамон ЮСУПОВ,
Сурхондарё область Сариосиё райони, К. Маркс номли колхоз.

Шодиёна

НАВРЎЗ халқ байрами, унда жумҳуриятимизда яшаётган барча миллат вакиллари иштирок этадилар. Ҳозир Ҳамза районида ўзбек, татар, қозоқ, немис, украин каби ўндан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишаяпти. Район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши тантанани Аҳмад Яссавий маҳалласида жойлашган «Наврўз» чойхонасида нишонлашга қарор қилди.

Шу куни 12 та маҳалла томонидан тайёрланган «Наврўзи олам» шодиёнасига В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент ёг-мой комбинати, Тошкент атир-упалар фабрикаси, Тошкент темир-бетон буюмлари заводи ишчилари ҳам таклиф қилинадилар.

— Ҳар бир маҳалла ўзига ажратилган столни кўкламнинг тансиқ таомлари билан безайдилар, — деди район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашининг раиси Н. Ҳасанов. — Дастурхонда паловдан тортиб, рус блини, украин боршчи, уйғурларнинг чўзма лағмони, корейслар куксиси, қозоқларнинг бешбармоғигача кўриш мумкин. Албатта, айёмни сумалак ва ҳалимсиз тасаввур қилиш қийин.

Ҳозир тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Байрам куни миллий таомлар кўриги ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда.

Дамира РАУПОВА.

СУҲБАТ АЙЛАЙЛИК КЕЛИНГЛАР, ЖЎРАЛАР, ЎРТОҒЛАР

ЧИРОЙИГА БЕРАЙ ПАРДОЗ

Баҳор келса юрарман кўп, бир ерда ўлтиролмасман
Кезарман далалар бўйлаб, табиатга тўёлмасман.
Қўлимда кетмон-у, қайчи, ниҳолларга берай пардоз
Улуғ боболар одатин, ажаб ҳеч тарк этолмасман.
Одатим, водийни кезсам ниҳолу-новда кўтариб
Ақал бир туп ниҳол экмай, халқ юзига қаролмасман.
Тўқай, зовур, уватларда ётибдур, қанча бўш ерлар
Бўлур, бир тупдан эксак боғ, дўстларга уқтиролмасман.
Бу хилда келажак авлод не кечгай эркан аҳволи,
Кўриб олма, анор нархин, фикримни тўхтатолмасман.
Этиб таъзим, бу Деҳқоний мурожаат айлади халқим,
Ўзинг ёрдамга кел, юртда боғ ўстирмай туролмасман.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ,
Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзоси.

ҲАШАР—ЭЛГА ЯРАШАР

АЗАЛДАН ўзбек халқининг улуғланиб келаётган одатларидан бири ҳашар ҳисобланади. Айниқса Тошкентдек аҳоли зич жойлашган шаҳарда ободончилик ишларини кўпчилик бўлиб бажариш жуда ўринли ва қулайдир.

Мен Чилонзор районидаги «Мевазор» Дўмбиробод ва «Чилонзор» маҳаллаларида замонавий урф-одатларни турмушга тадбиқ этиш бўйича тарғибот ишларини олиб бораман. Аввало, шуни айтишим керакки, бу жойларда яшаётган барча миллатлар бир-бирлари билан иноқ, доимо бамаслаҳат иш кўрадилар. Бундан 25 йил илгари «Мевазор» маҳалласида ҳашар йўли билан барпо этилган 2,5 гектар боғ ҳозир ҳам мева бераяпти. Илгари анҳор борлиги туфайли Шотурсун Ғуломов маҳалласига транспортда ўтиш учун айланиб келишга мажбур бўлардик. Ҳашар уюштирилиб, қисқа вақт ичида кўприк солинди. Тадбирда ҳар икки маҳалла, шунингдек, «Қатортол»дан катта-ю кичик иштирок этди.

Наврўз муносабати билан фаоллар билан ҳашар кунларини белгилаб олганмиз. «Журнальная», «Иқтисод», «Токзор», Абдулла Қодирий ва бошқа кўчаларда аллақачон ишлар бошланиб кетган. Ҳозиргача 1,5 минг туп мевали дарахт ва 5 мингдан ортиқ гул ниҳоллари экилди. Кўчаларнинг икки томонидаги сув йўллари тозаланиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурлар алмаштирилмоқда. Ҳашарчиларнинг бир қисми эса «Чилонзор ота» қабристонини ободонлаштиришга киришдилар. Уларга пенсионер Абдураҳмон Алматов раҳбарлик қилаяпти.

Юқорида тилга олинган маҳаллаларда рус, татар, уйғур, корейс миллатига мансуб кишилар ҳам истиқомат қилишади. Гўзал анъаналаримиз туфайли улар ўртасидаги бирлик, ҳамдўстлик барқарорлашиб бормоқда.

Каримбой ЖУМАНИЕЗОВ,
Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти партия комитети қошидаги маҳаллалар билан ишлаш комиссиясининг аъзоси.

Ҳовлингизда гулбоғ яратинг

Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг теплица хўжалигидамиз. Кўкаламзорлаштириш бригадаси бошлиғи Раҳмат Каримов билан турфа гуллар барқ урган ажойиб чаманзорда суҳбатлашдик.

— Ҳорманг, Раҳмат ака.

— Саломат бўлинг. Сезиб турибман, гулларга ҳавасингиз келаяпти. Гўзаллик кимни мафтун этмайди дейсиз. Айниқса, Наврўз арафасида. Тувакларда ёронгул, береклет, атиргул етиштираяпмиз. Булардан ташқари, 25 минг туп лимон гуллай деб турибди. Жумҳуриятимизнинг турли вилоятлари ва пойтахтимиз жойларидан табиат шайдолари келиб олиб кетишаяпти.

— Гул кўчатлари ҳам борми?

— Албатта, 20-25 минг туп ёронгул, 25—30 минг туп чиннигул, 5 мингдан ортиқ наргиз, 15 минг туп атиргул ниҳоллари экишга тайёр бўлиб турибди. Шаҳардаги «Малика» фирмаси ва бошқа саноат корхоналари буюртма беришган.

— Пойтахтдаги кўпқаватли уйларда яшаётган ҳар бир хонадон эгасига «бўйрадек» ер ажратиб берилган. Шу жойни қандай кўкаламзорлаштириш мумкин?

— Менимча, ерга яхшилаб ишлов бергач, 3-4 туп мевали дарахт экиш керак. Остига эса егулик учун озоздан укроп, петрушка, пиёз ва бошқа кўкатларнинг уруғидан сепган маъқул. Сабаби, резаворларни сояда парваришласа ҳам бўлаверади. Майдон атрофи эса «жонли девор» билан ўралади. Биз шу ой ичида буюртмачиларга унинг 150 минг тупдан ортиқ ниҳолини етказиб бермоқчимиз.

— Кўчатларни сотиб олиш тартиби қандай?

— Бирлашмада кўчат савдоси ташкил этилган. Шаҳарликлар хоҳлаган навни расмийлаштириб олаверадилар. Гулдан ташқари, турли хил мевали ва манзарали дарахтлар, шунингдек ток ниҳолларини ҳам харид қилишлари мумкин. Муассасамиз эса шундоққина шаҳарга чегарадош бўлган Тошкент районида жойлашган.

Суҳбатдош Саъдулла ШОДИЕВ.



⊙ «МАРД ЙИГИТЛАР РАҚСИ; Наврўз айёмида нақадар яхши!»
Т. Каримов сурат лавҳаси.

Танангизга қувват қўшасиз

МЕН кишлоқда туғилиб ўсганман. Кишлоқ табиати, хавоси ўзгача. Мевазор боғлар, кир-адирлар, тиниқ булоқ сувлари, сайроқи қушлар инсонни ўзига мафтун этади. Бундай гўзалликка қараб тўймайсан киши. Айниқса баҳор даракчилари — бинафша ва ялпизларнинг муаттар ҳиди, сувларнинг шилдираб оқиши руҳингизга тетиклик бағишлайди. Одатда қишлоқ хонадонларида дастурхон қишин-ёзин майиз-туршаксиз, ёнғоқсиз бўлмайди. Лекин кейинги йилларда бу меваларнинг нархи кўтарилиб кетди. Бунга асосий сабаб уларнинг ниҳолларини кам ўтқазаётганимизда.

Илгари тут меваси ҳам кўп истеъмол қилинган. Ундан шинни (қиём) тайёрланар эди. Қишга эса майизи ғамлаб олинарди. Энди тут айни етилган пайтда барги ипак қурти учун озиқ. Бир стакан меваси бозорда бир сўм туради.

Тутлар ўзига 65 уруғ ва 1700 турни бирлаштиради. Унинг ватани Хитой бўлиб, кейинчалик бизда маданийлаштирилган. Жумҳуриятимизда оқ ҳамда қора тут билан бирга шотут ҳам экилади. Бу ўсимликнинг меваси тўқ қизил, қора, сершира, хушбўй, шифобахш. Таркибида 25-27 фоиз қанд витаминлар, минерал моддалар бор. Шунинг учун доривор сифатида истеъмол қилинади.

Баҳорги «иликузилди» дамларида қуруқ меваларнинг фойдаси жуда катта.

Раъно АҲМЕДОВА,
105-мактабнинг биология ўқитувчиси.

ЭЗГУ ТИЛАК

МАНА, бир йил бўляптики, биз бир гуруҳ ўзбек йигитлари Москва вилоятида ўз йигитлик бурчимизни ўтаяпмиз.

Масофа олис бўлса-да, қалбимиз қўрида жонажон Ўзбекистон. Шу кунларда қозоқ, рус, украин, қўйингки барча миллатдаги қуролдошлар бизни яқинлашиб келаётган Наврўз билан қутламоқдалар. Қувончли дамларимда доим онам Манзура Миркаримовани эслайман. У киши А. Икромов районидаги 23-квартал, 8-уйда истиқомат қиладилар. Меҳрибоним ва бошқа онаизорларга солдатлик саломи йўллаб, қутлуғ айём билан чин дилдан табриклайман.

Оддий аскар Мирҳайдар МИРКАРИМОВ Н-қисм.

МЕВАЛАРИ ШИҒИЛ-ШИҒИЛ

МАННОН Уйғур номли маҳалла Октябрь районидаги энг катта жамоалардан бири ҳисобланади. Ҳозир 15 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, кўчалар, сайлгоҳ майдонлар, чойхона ва бошқа жойларда мевали дарахтлар экилган. Айниқса Аносов, Уфа, Улуғбек кўчаларида бўлган киши барқ уриб турган яшиллиқдан баҳри-дили очилади. Маҳалла қўмитасининг раиси А. Аълоев биз билан суҳбатда шундай деди:

— Боғ яратишга астойдил киришганмиз. Шу ўринда ўрик, бодом, шафтоли, анор, олхўри, анжир, олма ва бошқа мевали дарахтлар гуллай деб қолди. Бизда боғи бўлмаган хонадон йўқ ҳисоби. Меванинг турган-битгани фойда эканлигини яхши биламиз. Уй бекалари гилос ва шотутдан мураббо тайёрлашаяпти. Олма, анор, ўрикни эса қишга ғамлаб оладилар. Кейинги пайтда манзарали дарахтлар кўпроқ экилаётгани бозорда меванинг нархи кўтарилиб боришига сабабчи бўлаяпти.

Қувончлиси, маҳалла аҳли ҳар йили ўзларини етарли миқдорда мева билан таъминламоқдалар.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ ГАЗЕТАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

Март, 1990 йил, № 5 (18).



НАВРЎЗ — ДИЛЛАРГА ҲАМРОЗ

ТОШКЕНТ БАҲОРИ

ДИЁРИМИЗГА яшил сепини ёйиб, гулрухсор келинчакдек зеболаниб фасли баҳор келди.

Баҳорда бутун борлиқ ва мавжудот ширин уйқудан кўз очгандек хушнудлик ҳис этиб, қайта яшаргандек бўлади.

Қари ёшлар қалбида эзгу ният, ҳамият, ҳиммат, ҳаётга ўзгача муҳаббат жўш уради.

Дов-дарахт, гул-бута, майса-гиёҳлар кўк-яшил ранг олиб, фусункор безанади, қушлар наъмаси ҳаволарда олтин қўнғироқчалар сингари садо-наво беради, ҳашарот-қумурсқаларгача жонланиб кетади.

Бақувват кексалару, бетобликдан тиниқ соғайган ҳар бир дил: «Кўкламга етказганига, яна бир баҳорни қаршилаётганимга шукур», айтиб, эзгу ният билан навбаҳорни алқайди.

Баҳор шундай хислат-хосиятлар, яхши тилак-хусусиятлар билан бошланди. Азим Тошкент баҳори бошланди.

Кўҳна ва доим навқирон шаҳримизда баҳор фасли безаниб келишига одамлар ҳамма имкониятни яратиб қўйишган. Халқимиз қадимдан боғ-роғлар яратишни, кафтдек ерида ҳам гул, кўкат ва ошкўклар етиштиришни, яшил оламдан яхши руҳ-кайфият олишни севган. Шунинг учун ҳам боғ яратган, яшнатган ва яйраб яшаган.

Тарих ҳам бунга шоҳидлик беради. Бунга биргина аниқ мисол келтираман. Бундан қарийб тўрт аср муқаддам шаҳримизда яшаган машҳур шоир Зайниддин Восифий ҳозирда ҳам мавжуд Кайковус анҳори соҳилидаги боғларни кўриб лол қолганини ўзининг «Бадоеъ ул вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарида:

Теграсини қуршаган гўзал чорбоғлар,
Алардан Эрамнинг кўксида доғлар,

деб фахр билан куйлаган.

Очиқ гап, эндиликда шаҳримизда «Эрам боғлари кўксига доғлар» бўладиган боғу-чорбоғлар кам қолган. Лекин Тошкент замини, сўлим табиати, зилол суви, ўктам халқи шаҳарни ҳамон дунёга кўз-кўз этиб турибди.

Ҳозир Тошкентимиз гуллаб-яшнаб, бағри кенгайган, майдони 25 минг гектардан ортиқ жойни ташкил этади. Шаҳар 1966 йил апрель зилзиласидан кейин катта қурилиш майдонига айланди ва янги-янги мавзелар бунёд бўлди. Кўп қаватли уйлар қурилди. Октябрь, Бешқайрағоч, Мевазор, Янгиобод каби мавзеларда кўплаб маҳаллалар ташкил топди.

Бундан қарийб ўттиз-қирқ йиллар илгари ҳам шаҳримиз маҳаллаларида боғ кўчалар, боғлар, сўлим оромгоҳлар бўлар эди. Қайси маҳалла, қайси кўча, қайси ҳовлига кирманг мевали дов-дарахтлар шиғил ҳосил тугиб, одамлар насибасига бол тутиб турганини кўрганмиз. Шаҳар бағрида тут дарахтлари, ёнғоқлар, турли нав токлар, ноклар, олмалар ва бошқа мевали дарахтлар ўсиб турарди. Гузарларда соя-салқин берадиган тол, мажнун тол, терак ва чинорлар ўсарди. Мен айтган бу дилбар ўсимликлар шаҳар аҳолисини ҳам ноз-неъмат билан таъминлар, ҳам об-ҳавони мўътадиллаштирар эди. Ҳозирда бундай гўзал манзарани ва боғ-роғларни шаҳримиз бағрида камдан-кам учратамиз.

Диёримизда боғ-чорбоғлар яратиш, узумчиликни ва кўкаламзорлаштиришни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети махсус қарор чиқарди. Шаҳарда маҳаллалар шароитини яхшилаш тадбирлари белгиланди. Яна энг муҳими Наврўз байрами кенг нишонланадиган, шу куни халқимизга Дам олиш куни берилгани бўлди. Бу чексиз ғамхўрликлар халқимизни ғоят қувонтириб, эзгу ишларга руҳлантириб юборди. Шаҳримизни боғ-роғларга буркаш учун ҳамма астойдил киришди.

Шаҳримизга чирой бағишлашда манзарали дов-дарахтлар, гул-ниҳоллар, турли бута-ўсимликлар билан бирга мевали дарахтларни кўп ўтказиш, токзор ва боғзорларни кўпайтиришимиз лозим. Буни қарангки, бир туп яхши ўстирилган токдан 200-300 килограммгача узум, бир туп олма дарахтидан ҳам шунча ҳосил олиш мумкин экан. Агар ҳар бир ҳовли-жойда, боғ-томорқаларда, турар жой атрофларида ток, ўрик, олма, нок, тоғолча, олча, тут, ҳатто ёнғоқ каби мевали дов-дарахтлар ўстирилса, кишиларнинг хўл мевага бўлган талабларини бир қадар бўлса-да, қондирамиз. Шаҳримизнинг Мевазор, Бодомзор, Илғор, Бешқайрағоч, Каттабоғ, Янгиобод ва Ишчилар шаҳарчаси атрофидаги маҳаллаларда, кўчаларда, ҳовлиларда, бўш майдонларда кўплаб мевали дарахтлар экилганки, булар мўл-кўл ҳосил бераётганини кўриб дилдан қувонамиз. Шаҳримизнинг маҳаллаларида кўп жонли оилалар борки, улар ўз ҳовлиларида мевали дарахтлар ўстириб, унинг нознеъматидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Машҳур соҳибкор Маҳмуд Мирзаев бир суҳбатда: «Боғ яратган яшаради», дедилар. Ҳар бир киши яхши ният билан бир тупдан мевали дарахт ўтказса, ҳар бир маҳалла боғ-роғга айланишига шубҳа йўқ. Лекин ана шу ўтказиладиган ҳар бир туп мевали дарахтнинг эгаси бўлсин, уни кўкартириб вояга етказсин. Зеро, олимимиз Маҳмуд ака айтганларидек, «Боғни боқсанг — боғ, боқмасанг — юракка доғ бўлади» деган гаплари бежиз эмас.

Наврўз байрами — халқимизнинг севимли байрами! Уни ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла, ҳар бир шаҳарлик, яшил боғ, озода кўча, яшил гул-гулзорлар барпо этиб кутиб олади. Маҳаллаларда ҳамма эл-элатлар, турли миллат кишилари ажойиб таомлар билан безатилган тўкин дастурхон атрофида дўстлик, тинчлик ва фаровонликни мадҳ этиб улуғ Наврўзни нишонлайдилар.

Қутлуғ Наврўз байрамингиз шодлик ва бахтга тўлиқ бўлсин, азиз маҳалладошлар!

Тўлқин РАСУЛЕВ.

ҚАЛБЛАР ТУТАШГАНДА

ҲАММА фаслларнинг ҳам ўз хислати, ҳуснитаровати, табиатга қўшадиган ўз ҳиссаси бор. Лекин, фаслларнинг келинчаги бўлмиш баҳор ўзгача чиройга, ўзгача жозибага эга. Баҳор жамики ўсимлик дунёси ва жонзотларнинг уйғониш даври, деҳқончилик ишлари авж оладиган палладир. Маҳаллаларда ҳашарлар ўтказилади, шодлик, дўстбиродарлик билан диллар дилларга пайванд бўлади.

21 март — кун билан тун тенглашадиган, баҳорги тенг кунлик, шамсия йил ҳисобида янги йил бошланадиган кундир. Халқимиз Наврўз байрамини интизорлик билан кутади, асрлар оша уни зўр шодиёна ва хурсандчилик билан ўтказиб келади.

1950 йилларда маҳаллалардаги чойхоналар ниҳоятда серфайз, обод ва кўпчилик йиғилиши мумкин бўлган гавжум жой ҳисобланган. Байрам кунларида турли тантаналар, маросимлар. Ўйинлар, сайллар уюштирилган. Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар. Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар каби жумҳуриятимизнинг забардаст ҳофизлари қўшиқ куйлаб халқимизга қанчадан-қанча завқ-шавқ улашганлар.

Байрам кунлари машҳур полвонлар орасида кураш мусобақаси ўтказилган. Тошкентлик кураги ерга тегмаган Асқар полвон, Зоид полвонлар томошабинлар тахсинига сазовор бўлганлар. Кураш халқ кўзи олдида ва ҳакамлар назоратида ҳалоллик билан бажарилар эди.

Аския қадимдан халқнинг қалбларда тугун бўлиб ётган дардлари, қайғу ҳасратлари ва қувончларини кулги билан баён қилувчи жанр ҳисобланади. Наврўз байрамларида Фарғона водийсидан Амин бува, Ғойиб ака, Раҳматқул ака, Насриддин ака, тошкентлик Қаюм ака, Абдураҳмон ака, Нажим ака, Сулаймон ака, Жўра оталар кўпроқ касбҳунар темасидаги аскиялари билан халқимизга олам-олам қувонч ва завқ бахш этганлар.

Юсуфжон қизиқ, Охун қизиқ, Жўра қизиқ ва Зайнобиддин ака каби сўз усталари ичакузди хандалари, латифалари ва қизиқчиликлари билан даврага жон киритганлар.

Дорбозлар ва масхарабозларнинг карнай-сурнай садолари остидаги чиқишлари, ёш болаларнинг дор устидаги қалтис ҳаракатлари томошабинларни зўр ҳаяжонга солган. От ўйин, ёғоч оёқ ўйинлари, қўғирчоқбозликлар, айниқса ёшлар ўртасидаги кураш, чавгон, тош кўтариш, чопиш, узоққа ва баландликка сакраш каби спорт ўйинлари жуда қизиқарли ўтган.

Байрам кунлари новвойлар ширмой, патир, жизза ва пиёз солиб ёпилган исиқ нонларни ҳозирлар, ошпазлар эса мазали таомлар тайёрлар эдилар.

Аёллар уйда тоза буғдойни ёйиб, ҳар куни сув сепиб, ундириб, гиёҳ ўртача — игна бўйи бўлганда покиза ҳолда бир сутка мобайнида сумалак тайёрлайдилар. Сумалак тайёрлашнинг ўзи аёллар ва болалар учун бир олам қувонч бахш этади.

Шу муносабат билан йиғилган аёллар ибратли ҳикоятлар тинглашади, дутор чалиб, қўшиқ айтиб, рақсга тушиб ҳордиқ чиқарадилар. Сумалак, авлодларимиз таъбири бўйича дармондори, қиши билан заифлашган аъзоларга тетиклик, қувват ва куч бахш этади.

Наврўз эшик қоқмоқда! У ҳар бир хонадонга аҳиллик, меҳр-муҳаббат, садоқат, покизалик, кулгу олиб кирсин.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.



⊙ «НАВРЎЗ БАЙРАМИГА ШИРИН ШАРБАТЛАР ТАЙЁР! — Қибрайдаги яхна ичимликлар комбинатининг ишчан машинисти Халифа Жаъфарова фахр билан шундай дейди.
М. Нуриддинов сурати.

Туйғулар

ТАРОНА

ЁМҒИРНИНГ ёқимли шивирлашини сокин, жуда ҳам сокин бир масканда ўтириб тинглаганмисиз? Тинглагансиз, албатта. Аммо бир нарсага — рутубатли куз ёмғиридан киши алланечук маъюсликни туйиши-ю. Наврўз ёмғиридан яқинлашиб келаётган баҳор нафасини сезишига эътибор берганмисиз?

Кимга қандай, юқоридаги нозик фарқни сезган ҳар бир кимса кўкламнинг қудратига тан бериши шубҳасиз.

Негаки, баҳорнинг баҳорлиги ҳам шунда-да.

Боғлар яшармоқда. Нозик япроқлар шабадада оҳиста-оҳиста тебранади. Ўриклар оппоқ бўлиб гуллади. Ариқ қирғоқларида, девор четларида, ҳовли рўяларида яхшилик нишонаси барқ урмоқда. Масъумгина бинафшалар милтираб бош кўтарди. Улар кўркам бир фаслнинг азалий ва абадий элчилари. Бироқ, уларнинг сирли тилсими — бу, кўнгилга бахш этаётган завқи, сурури, қувончи, шодлиги ҳар сафар беқиёсдек, бетакрордек туюлади. Негаки, баҳорнинг баҳорлиги ҳам шунда-да.

«...Чирқ-чирқ, чирқ-чирқ». Қишнинг аёзли кунлари қайлардадир беркиниб ётган қушчалар шохдан-шохга эркин қанот қоқади. Қопқора кўзлари чўғдек ярқираган шўх болакай — Шоҳруҳ опажони билан қувлашмачоқ ўйнайди. Унинг жажжигина укаси Ғайратжон беланчакда ётган қўлчаларини чўзиб, ўзи билан лип-лип ўйнашаётган ёрқин шуълаларни ушламоқчи бўлади.

Бу шодон манзарага тўймай термулиб турган қариянинг нуроний чеҳрасида бир чиройли табассум порлайди. Эҳтимол у ҳаётнинг энг қувончли дамларини эслаётган, бунинг сабабчиси баҳор бўлса ажаб эмас. Негаки, баҳорнинг баҳорлиги ҳам шунда-да.

Шоир таъбирича ўлкамиз «бир пари фаслнинг оғушида маст» экан, бунга ҳам баҳор сабабчи.

Ассалом баҳор!

Марҳабо, Наврўзи олам.

Саноат АЗИМОВА.

Кўклам таомлари

Толиқишнинг давоси

⊙Баҳорги иқлим ва ҳарорат ўзгариши билан одам аъзон-танида толиқиш юз беради. Асосийси, киши қишда дармондорили таомларни кам истеъмол қилади, шу туфайли баҳорда халқ ибораси билан айтганда «иликузилди» бўлиб, толиқиш юз беради. Тиббиёт олимларининг кузатишларича, кўклам ойларида қон таркибида фойдали моддалар камайган, асаб ҳам бўшашган, кўз аъзолари хиралашган, юрак-қон томирларида даврий ўзгаришлар юз берган бўлади.

Баҳорги толиқиш май ойига бориб деярли йўқолади. Бу вақтгача янги мева-чевалар, сабзавот ва кўкатлар истеъмол қилинади. Қуйидаги баҳорги овқат-таомлар аъзон-танимизни дармондорилар билан тўйинтириб, куч-қувват ва яхши кайфият бағишлайди.

КЎК ПАТИР

КЎК патир тайёрлаш учун ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, мачин, йўнғичқа, момоқаймоқ, барра беда ва бошқа кўкатлар покиза қилиб ювилади ва қиймалаб бир оз туз аралаштирилади. Қийма устига иссиқ сув қуйилиб, икки-уч соат тиндирилади. Сўнг кўк қийманинг суви сузиб олинади, кўки эса озгина ёғ билан қовурилади.

Кўк сувига қорилган хамир ошгач, уч юз граммли зувалалар узиб олиниб қалинлиги 1—1,5 сантиметр келадиган патир ясалиб тандирда ёки зангори олов патнисида пиширилади. Кўк патирнинг хамири учун бир кило ун, икки стакан кўк суви, 50 грамм хамиртуруш, икки чой қошиқ туз, таъбга кўра ёғ керак бўлади.

КЎК СОМСА

ХАМИРТУРУШЛИ хамир қорилиб, иссиқроқ жойда кўпчитилади. Ошган хамирдан ёнғоқдай-ёнғоқдай зувалачалар узиб, 2—3 миллиметрли, катталиги пиёла оғзидай жилдчалар ясалади. Сўнг ҳар бир жилдчага кўк бийрондан бир ош қошиқдан солиб учбурчак, тўртбурчак ёки тўгарак шаклда сомсалар тугилади. Булар тандирда ёки зангори оловнинг ёғланган патнисига қўйиб пиширилади.

Масаллиқ хамирига — 500 грамм ун, бир стакан илиқ сув, 20 грамм хамиртуруш, бир чой қошиғида туз керак. Қиймасига ҳар хил кўкатлардан 1 килограмм: 1 боғ кўк пиёз, 2 боғ кўк саримсоқ; 200 грамм жизза, 1 чой қошиғида туз, 1 чой қошиғида мурч сепилади.

КЎК ОШИ

БЕГОНА ўтлардан, хас-чўплардан ва ҳар хил ғуборлардан яхшилаб ювилган шовулни ўз селига бир оз дамлаб қўясиз, исмалоқни эса қайнаб турган сувда пишириб олсангиз, табиий ранги сақланиб қолади. Бу ошкўклар гўшт қиймалагичдан ўтказиб олингач, ҳосил бўлган масаллиқ — қайнаб турган шўрвасига майда тўғралган бош пиёз, кўк пиёз, укроп, кашнич, мурч, лавр япроғи, туз қўшиб қайнатасиз. Сўнгра уни бир қайнатиб олиб, қовурилган ун билан аралаштирилади ва 10—15 минут давомида милдиратиб пиширилади. Дастурхонга тортишда ликопга солиниб, устига қаймоқ, ошкўк ва сувда пиширилган тухум икки бўлиб қўйилади.

ЁШ ПАЗАНДАЛАРГА

БАҲОРНИНГ турли кўкатларидан хонадон соҳибалари уста пазандалик билан бу масаллиқлардан баҳорнинг кўк чучвара, варақи, кўк юпқа, манти, шўрва, дўлма ва қовурма каби турли-туман таомларини тайёрлашади. Баъзи мураккаб пишириқ овқатларни ёш келинлар буви-аялардан, тажриба орттирган қўни-қўшнилардан сўраб-ўрганиб билиб оладилар. Қўни-қўшни ва яқин-йироқдаги таниш-қариндошларни баҳорги кўк тансиқ таомлардан баҳраманд этсангиз меҳр-оқибат товланади.

Турғун АШРАПОВ тайёрлаган.

СУМАЛАК

ҚАДИМГИЛАРДАН қолган бир удум бор: оилада эгизак фарзанд туғилса сумалак қилиб туриш керак экан... Хайриниса ая бундан ҳам кўра таом тайёрланаётганда қўни-қўшнилар, қариндош-уруғ ва яқин кишилар билан дийдорлашувни соғинади. Сумалак баҳона ширин суҳбат қурилади, лапар ва қўшиқлар айтиб, кўнгил очилади. Шу боисдан ҳам А. Икромов районининг Закариё-Розий маҳалласидаги бу хонадонда 20 йилдан бери сумалак пишириляпти.

— Наврўзнинг бу таоми энг қадимий ҳисобланади, — деди Хайриниса ая Қобилова. — Ўмр йўлдошим вафот этгандан сўнг икки йил сумалак қилолмай қолдик. Сумалак кўпчилик бўлиб тайёрланади. Қишдан омон-эсон чиқиб олдик, деб хонадонлардан бир косадан буғдой йиғиб оламиз. Айтишларича, бир қозондан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан.

Аянинг 7 нафар ўғил-қизи уйли-жойли бўлиб кетишган. Шоира, Фотима, Зуҳра, Назир ва бошқа фарзандлари, шунингдек неваралари Наврўз айёмида ташриф буюриб, хонадонга файз киритадилар. Дастурхонга сумалак тортилгандаги байрам кайфиятини бир кўрсангиз эди...

Ҳамидулла БОЗОРБОЕВ.

ЖИЛВАЛАНАР ЖАМОЛИ

Шўхчан эсар кўклам шамоли,
Қалб торлари чертилар майин.
Жилваланар Наврўз жамоли,
Муаттар бўй таралган сайин.
Дошқозонга қаларлар ўтин,
Биқир-биқир қайнар сумалак.
Уфуради кўк сомса ҳиди,
Сурнай саси шодликдан дарак...

Бекпошша БЕКЖОНОВА.

ЙИЛ ҲИСОБИ

НАВРЎЗ байрами ҳижрий-шамсий санага асосланган. Бу сана милоднинг 622 йилидан бошлаб ҳисоблансада, бироқ унинг ўзига хос муҳим фарқли томони бор. Бу фарқ шундан иборатки, ҳижрий-шамсий ҳисобда йилнинг боши ҳар доим баҳорги тенгкунликка тўғри келади. Унинг асосини Қуёш ҳаракатига қараб вақтни белгилаш ташкил этади. Милодий 1990 йилнинг 21 мартида ҳижрий-шамсий сана бўйича янги — 1369 йил киради.

Ҳозирги вақтда Эрон ва Афғонистонда йил ҳисоби ҳижрий-шамсий календарь асосида олиб борилмоқда.

Аъло АСИЛОВ.

ХАНДАЛАР

ХАЁЛПАРИШОН

— Қизим, нега бунчалик менга дағдаға қилаяпсан?

— Вой, нечирасиз ойижон, хаёлпаришонлик, мен сизни қайнонам, деб ўйлабман.

ТОҚАТИ ЙЎҚ

Дарё соҳилидан келаётган икки кишининг бири деди:

— Э, балиқларни қаранг, бирданига дарё тубига шўнғиб кетишди-я.

Иккинчиси деди:

— Кўрмаяпсанми, кимё заводининг директори келаяпти, балиқларнинг ҳам уни кўришга тоқати йўқ.

ОДАМ БЎЛАСАН

Бош ошпаз шогирдидан сўради:

— Бу котлетнинг нимаси кам?

— Гўшти.

— Нима қилиш керак?

— Мурч сепиб, худди гўшти кўпдек қорайтириш керак.

— Яша, одам бўласан, бола!

Аҳмад МУХТОРУЛЛИН,
Термиз шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат ветерани.

Мусаввир табассуми



— Наврўз кунлари маҳалламиз кўчаларида мевали дарахтлар қийғос гуллаб, одамнинг баҳри-дилини очади.

— Қара, бизнинг кўчада гуллайдиган дарахт йўқ, ҳаммаси мевасиз дарахтлар.

— Синглим, Наврўз яқин қолди, магазинимизда кўк патирлар ҳам сотиладими?

— Кўк патирни кеннойимга айтсангиз тандирда ёпиб берадилар.

— Қизим, Наврўз ҳақида ўқимишли китобингиз борми?

— Бизнинг кутубхона эски, Наврўз ҳақидаги китобни магазиндан оласиз, отахон.

— Маҳалла раисисиз, Наврўз байрамига қандай тадбирлар белгилаймиз?

— Сумалак, ҳалим, ҳар хил кўкатлардан таомлар тайёрлайверинглар, оппоқ қизим.

Шуҳрат СУБҲОНОВ
чизган расмлар.

Маҳалладош
ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.
БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.
ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ

Назм дафтаридан

НАВРЎЗИМ

Ёмғир ёғар сим-сим,
Бу — баҳорий хуш насим.
Жилғалар тўлиб оқсин —
Ўргилай, сендан ўзим:
Кел, Наврўзим.

Туйғулар зеб оҳангга
Нигоҳлар тўлмиш рангга.
Чаккангга тақ, чаккангга —
Чечакни, қора кўзим:
Кел, Наврўзим.

Майдон аро кўпкари,
Ҳар арғумоқ — Гулсари.
Элим пешвоз сен сари —
Маржондай тизим-тизим:
Кел, Наврўзим.

Ялпиз сомса омонлиғ,
Кўрмайлик ҳеч ёмонлиғ.
Диллар равшан тонг
янглиғ —
Қуёшдай ёруғ юзим:
Кел, Наврўзим.

Юлдузлар кўкда лак-лак,
Дошқозонда сумалак.
Момолар бедор, демак —
Сумалак — ризқу-рўзим:
Кел, Наврўзим.

Удумлар бўлсин пойдор,
Элимга эзгулик ёр.
Кўп дуоси, омонёр —
Умрингга берсин тўзим:
Кел, Наврўзим!

Абдулла ТУРДИЕВ.

ЮРАГИМГА ЎХШАБ ҚОЛГАН СЎЗ

Ўчмоққа чоғланган сўз бор кўзингда
Мен битта-битталаб тутиб оламан.
Уларни юрагим тубига жойлаб
Соқов сукунатга ўхшаб қоламан.
Ахтариб киради гуллар тушимга,
Ёпирилган тун ҳам қайтар қуруққўл.
Сиғинар руҳимга ошно яшиллик
Бўзлар, юрагимга тополмагач йўл.
Мудраб борар сенинг хотираларинг
Садарайҳонларга қўйиб бошини.
Сен менсиз, сўзларсиз яшай оласан
Бағрингга яшириб ўз қуёшингни.
Ҳамон гунг турибман, жунбушлар аро,
Кунлар соғинчимни бағрига босар.
Кўзлари кўкарган Сўзлар ўзини
Қуриган дарахтнинг шохига осар.
Бирдан оғоч дарахт кўклаб кетади,
Ёқимли шарпадан уйғонар Наврўз.
Сайраб юборади шох-бутоқларда
Менинг юрагимга ўхшаб қолган сўз.

* * *

Шодликни ипидан ўраб бераман,
Чинорнинг умридан тилаб бераман,
Бахтнинг қўлларини сўраб бераман
Сизга, онажон!
Оқ ғамлар бошлардан нурин эласин,
Дардингиз меҳрибон қўллар силасин,
Отамнинг покиза руҳи қўлласин
Сизни, онажон!
Айрилиқ оғзидан сачрагай вулқон,
Армонларда яшар миттигина шон,
Осилиб турибди ҳилвираган жон
Сизда, онажон!
Фироқдай чувалган мунгли сўроқ бор,
Қишлоққа сиғмаган бир «нокерак» бор,
Ўзига ўт қўйган бир тош юрак бор
Ловуллар ҳамон
Бу — мен, онажон.

Ўктамой ҲАЙДАРОВА.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

⊙ ЯҚИНДА Тошкент шаҳар Юнус Ражабий номли музика ўқитувчилари тайёрлаш билим юрти қошидаги «Иқлимий акуистик илмий текшириш» лабораторияси илмий ходими Темур Ризаев «Стейнвей Сонс» фирмаси таклифи билан Германия Федератив Республикасида бўлиб қайтди.

Гамбург шаҳрида жойлашган бу фирма дунё мамлакатларига, шу жумладан Совет Иттифоқига пианино, концерт рояллари ҳамда унинг қисмларини етказиб беради. «Стейнвей Сонс» фирмаси томонидан тайёрланган концерт роялларида Чайковский, Шуман, Моцарт, Шопен номли мусиқа конкурсларида бир қанча чет эл ва совет музикачилари чалиб совриндорликни қўлга киритганлар. Фирма ўз мусиқа асбобларининг харидоргирлигини янада кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳар билим юрти қошидаги «Иқлимий акуистик илмий текшириш» лабораторияси томонидан яратилган пианино ва роялларнинг янги иқлимий вариантлари билан қизиқиб қолди. Ижодий ҳамкорликда ишлаш учун дастлабки музокаралар олиб борилди.

Дония ЗОКИРОВА.



⊙ «РАҚСЛАРИМ — ҚАЛБИМ ИЗҲОРИ». Ўзбекистон ССР халқ артисти Дилафрўз Жабборова. Р. Шарипов сурати.

Мусаввир ижодхонасида

РАНГИН БЎЁҚЛАР СИРИ

⊙ Халқлар дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ранг-тасвир кафедраси профессори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Малик Набиевич Набиев билан мухбиримиз тасвирий санъат сирлари ҳақида суҳбатлашди.

— Малик ака, ранг-тасвир санъатига сизда дастлаб қизиқиш қандай пайдо бўлган?

— Мен асли маҳсидўз оиласида туғилганман. Отамнинг нозик меҳнатларини томоша қилиб, ҳайратланиб ўтирардим. Абдували деган акам ҳам бор эди. У киши севимли ёзувчимиз Ойбек домла билан бирга таҳсил кўрган. Абдували акам суратларни шундай чиройли чизардиларки, кўриб уларга ҳавасим келарди. Илк сабоқни улардан олганман. Афсуски, ёш вафот этиб кетдилар. Мен икки-уч йил эски мактабда ҳам таҳсил кўрдим. Ўша пайтлар менинг қалбимга суратлар чизиш фарах бағишлар эди.

— Сизга устозлик қилган қайси мусаввирларни ёдга оласиз?

— Менга мусаввир Баҳром Ҳамдамий деган киши устозлик қилганлар. Айнан ўша киши менинг мусаввирлар тайёрлайдиган техникумга ўқишга киришимни тавсия этганлар. Кейинчалик шу техникумда тасвирий санъат сирлари оламини Н. Г. Корахон, А. Н. Волков, Ўрол Тансиқбоев, М. Николаевлардан ўрганганман. Техникумни 1937 йилда имтиёзли диплом билан тугатдим. Бир йил ўтар-ўтмай Рассомлар уюшмасига қабул қилишди.

— Улуғ Ватан уруши даврида Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ташаббуси билан истеъдодли ёшларни ҳарбий хизматдан озод қилиб, ижодларини давом эттиришларига имкон яратилган экан. Ана шундай иқтидорлилар қаторида сиз ҳам бўлган экансиз.

— Ўша даврда Тошкентга Москвадаги Суриков номли рассомчилик институтининг ранг-тасвир бўйича профессори Михаил Жемякин ҳам келган эди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов ана шу машҳур кишидан Шамсирўй Ҳасанова ва менга санъат сирларини ўргатишларини сўради. Профессор ҳам бунга бажонидил розилик билдирдилар. Биз бир йил давомида у кишидан сабоқ олдик. Кейинчалик Усмон ота бизни ўз хоналарига чақиртириб, чизган суратларимиз билан танишдилар. Менинг «1916 йилдаги Жиззах жанг манзараси» тасвирим у кишига айниқса ёқиб тушди.

— Малик ака, чизган суратларингиз ичида қайси биридан кўпроқ мамнунсиз?

— «Абу Райҳон Беруний» сиймосини ранг-тасвирда акс эттириш учун 20 йилдан ортиқ изландим. Ниҳоят таваллудининг минг йиллиги арафасида, яъни 1972 йилда ўтказилган ЮНЕСКО кўригида менинг бу суратим биринчи ўринни олди. Шунинг эвазига сурат Парижда ўн беш тилда чоп этиладиган «Курьер» журналининг июль сони муқовасида босилиб чиқди.

— Ҳозир қандай янги асар устида иш олиб боряпсиз?

— Мен анчадан буён Бобур сиймосини яратиш устида иш олиб бордим. Мана, ниҳоят узоқ йиллар давомида олиб борилган изланиш ниҳоясига етай деб қолди. Бобир мураккаб шахс, уни тушуниш керак. У ниҳоятда буюк шоир, қолаверса, халқимизнинг тарихи. Рангин бўёқлар билан ўша зиддиятли даврни талқин қилишга бор маҳоратимни сарфладим.

Суҳбатдош Саъдулла ДАВЛАТМУРОДОВ.

Шахсий фикр

ҲАЗРАТИ НАВОИЙГА МУРОЖААТ ЭТСАК...

● Газета саҳифаларида эълон қилинган шаҳримиздаги номларни ўзгартириш мумкин ҳисобланган кўчалар рўйхатини диққат билан кузатиб бордим. Рўйхатга киритилган барча кўчалар қайта номланиши шарт. Бироқ кўчаларни қайта номлаганда пала-партишликка йўл қўймаслик учун Ҳазрати Алишер Навоийга мурожаат қилсак нур устига нур бўлар эди.

КЕЛГУСИ йили башарият Алишер Навоий туғилган куннинг 550 йиллик тўйини, «Мажолисун-нафоис» асари ёзилганлигининг 500 йиллигини нишонлайди. Буюк бобомиз номи зикр этилган асарида 459 шоир ва адабиёт аҳли ҳақида маълумот беради. Бу зотлар замонасининг пешқадамлари эди. Шу боисдан, уларнинг номларини абадийлаштириш зарур.

Чунончи, шаҳримизнинг бир кўчасини «Мир Саид» деб номлаб, кўча бошидаги ёдгорликка «Мажолисун-нафоис»дан лавҳа битилса:

Мир САИД — Эл орасида «Кобулий» лақаби билан машҳурдир. Фақирга тағойи бўлур. Яхши табъи бор эрди. Туркчага майли кўпроқ эрди. Бу туюқ анингдурким:

Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,
Гул адоқинда хумори ёзасиз.
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошиға,
«Куштан бир шўх эрур» деб ёзасиз.

(Алишер Навоий, «Мажолисун-нафоис»дан.).

Иккинчи кўчага «Мирзобек» номи берилиб, кўча бошидаги ёдгорликка қуйидаги лавҳа битилса:

МИРЗОБЕК — Инсоният ва хуш ахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк орасида саромади замона ва зиҳни диққат ва маоний нуқудидин ғани эрди ва табъи бу навъ таърифлардан мустағний. Бу матлаъ анингдурким:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

(Алишер Навоий, «Мажолисун-нафоис»-дан).

Шу тариқа номларини ўзгартириш мумкин ҳисобланган кўчаларга «Мажолисун-нафоис»дан муносиб номлар топиш мумкин.

Агар шаҳримиз кўчаларига Ҳазрати Алишер Навоий назари тушган шоир ва адабиёт аҳли номлари берилса, буюк бобомизнинг 550 йиллик, «Мажолисун-нафоис» асари ёзилганлигининг 500 йиллик шодиёналарига муносиб тўёна бўлар эди.

Асрор МЎМИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт тарғиботи маркази мухбири.

«Хўжа Насриддиннинг биринчи муҳаббати»

⊙ ТОШКЕНТ театр ва рассомлик санъати институтида кўплаб умидли ёш истеъдодлар таҳсил кўриб, ижрочилик маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Олий ўқув юртининг ўзбек актёрлиги курси талабалари томонидан тайёрланган саҳна асарлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Шаҳримиздаги қатор профессионал театрлар ва студиялар ўзлари саҳналаштираётган қатор постановкаларга курс студентларини ҳам таклиф қилиб, улар камолотига яқиндан ёрдам бера бошладилар. Тошкентдаги «Дард» театр студияси эса навбатдаги спектаклини ёшлар билан биргаликда тайёрлашга киришди.

Бу қувноқ асар «Хўжа Насриддиннинг биринчи муҳаббати» деб аталди. Бу постановка сценарийси Т. Зулфиқоровнинг насрдаги поэмаси асосида ёзилди.

Саодат ОДИЛОВА.

УЙ ОРҚАСИДАГИ СИМ

Ҳикоя

—1—

МЕЛИВОЙ почта қутисидан газетани суғуриб оларкан, ичидан бир парча сариқ қоғоз ерга учиб тушди. Нима экан, деб энгашиб олди. Қизил сиёҳда ёзилган қуйидагиларни ўқиди: «Огоҳлантириш хати. Ўртоқ Маҳкамов М! Сиз дом орқасидаги жойни тўр сим билан незаконний ўрапсиз. Уч кун срокда об ташланг. Бўлмаса административний чора кўришга мажбур бўламиз. ЖЭК бошлиғи Халтаев».

Меливойнинг чеҳрасида ажабланиш аралаш киноя пайдо бўлди. Ўзи шу идорада инженер бўлсаю тағин унга чора кўришмоқчи бўлса. Шу Холтоевам ишдан кетиб кета қолмади, қолиб тузукроқ ишламади. Иши халқ контролига тушгандан бери ўз хоҳишича бўшаш ҳаракатида эди. Ўғлига навбатсиз квартира олиб бериб бошига бало орттирганини фаҳмлаган. Бироқ арқонни узун ташлаб қўйишипти, шекилли.

Меливойнинг кўнгли ғашланди. Кўзига уй орқасидаги ҳосилга кирган бўйрадек боғчаси кўриниб кетди. Жоноқи олма, кўксултон, тукли, туксиз шафтоли...

Боғ қилиш осон бўлмади. Кўтарма кран юрган йўл бўлгани учун ғич-ғич тош чиқди. Бир эмас, уч йил тош терди. Ҳар кетмон урганда тиқ этса, оҳ, тиғи кетди-я, деб бир парча темирга жони ачиб кетди. Бир арава гўнг келтириб солди, дарахт экди.

Отаси раҳматли катта деҳқон ўтган. Қачон қараса ўзи билан бирга далага олиб чиқиб кетарди. Аямай ишлатарди. Ерни яхши кўриши шундан. «Дом»да ишдан кейин нима қилади? Духоба креслога ястаниб телевизор кўришни хоҳламайди. Айвондаги шкаф бурчагига қўйилган кетмонни олиб, «томорқаси»га тушади. Оёқяланг ер чопади, ўт юлади, бетон ариқдан келган сув билан экин суғоради.

—2—

Меливой газетани почта қутисига қайта ташлаб, сариқ қоғозни тўрт буклаб «дом» орқасига ўтди. Бу ерда темир каравотда беш-олти чоғли одам шахмат ўйнаб ўтирарди. Меливой «ихм» деб томоқ қирди, «Салом алайк-у-ум» деди, узун қўлларини ўтирганларга бир-бир узатиб кўришди.

— Келинг. — деди сочини устарада қирдирган ингичка одам. — Ҳа, Меливой, отпуска яхши ўтаяптими?

— Тузук, — деди Меливой кўзини олиб қочиб. — Сизлар ҳам бугун отдих қипсиз, шекилли?

Бояги киши домком Ислом ака. Ҳар куни саҳарлаб одамларни ошга чақиради. Чиқмаганлар бўлса, кейин йўлда учратса танбеҳ беради. «Энди кичкина бўлмаймиз. Одамгарчилик керак. Яхши, ёмон кунимиз бор...».

Ислом ака аслида касалманд. Жигари чатоқ. Тез-тез тоби қочиб туради. Шундай бўлсаям, маҳалла ишини ташламайди. Одамлардан пул йиғиб хом ғиштдан чойхона қурдирган. Идиш-товоқ турадиган жойи ҳам бор.

— Ўтирипмиз, қуриб берган чойхонангизда, — афтини бужмайтириб, тескари қаради Ислом ака.

Меливойнинг қулоғи қизарди:

— Энди, ака, менга қолса, чойхонани ростдан ҳам ўзим қурдирардим. Ахир, мен ҳам шу маҳалла одами. Нима қилай, генпланда йўқ.

—3—

— Энди бундоқ, Меливой ука, — Ислом аканинг курагига каравотнинг темири ботди шекилли, бир қимирлаб олди. — Сиз боғчангизни бузасиз.

Меливой бу гапдан энди хабар топаётгандай орқасига тисарилди.

— Йў-ўғ, бундай қилолмайман.

— Э, ҳалиям бола экансиз-ку, — деди даврадагилардан бири. — Маҳалланинг чойхонаси омонат-ку, бу бўлса, бир қулоч ерини ўйлайди. Ўзиники бўлсаям майли эди, давлатники.

«Домком» кишт деб дона сурди-да, Меливойга ҳорғин боқди:

— Энди ука, бу юртга келган тўйдек гап. Мана шўтта ўтирганлар ҳам сенга ўхшаб боғча қилишган. Болалар учун бузишга рози. Айтгандай, сенга ўхшаганларга хат ҳам юборилган. Агар тўр симларни олиб ташламасанг, оқибати яхши бўлмайди.

Даҳа янги, аммо «дом»лар тез қаторлашган. Районга илгари архитектор бўлган Холтоев пайтида генплани тузилганди. Ҳозир у ЖЭК бошлиғи. Даҳа маҳалласидагилар тунов куни унга болалар ўйнашига жой йўқ, «дом»лар бир-бирларига пешона тираб тушган, деб арз қилишганди, афтини бурди: «Гапнинг ўғил боласини гапиринг, биродарлар. Қани, конкрет таклифингиз борми? Йўқ. Менда эса, бор. Огородларингиз болалар майдончасига айлантирилсин». Шунга келишилди. «Огоҳлантириш хат»лари ёзилди.

—4—

...Меливойнинг юраги тез-тез урди, ранги оқарди, титради.

— Э, бу бузғунчининг иши! Шундоқ боғлар хароб бўладими-а? Йўқ, йўқ! — гангиб бақириб юборди.

Ислом ака жаҳл билан каравотдан турганди, тахтаси ликиллаб шахмат доналари униққан шолчага тўкилди.

— Ким бузғунчи? Сенми, менми-а?!

Ўтирганлар ўртага тушишди. Титраётган Меливойнинг елкасига қоқишди: «Ке, сен ёшсан, бир гапдан қола қолгин!». Ислом акага ялинишди: «Э, шу она сути оғзидан кетмаган бола билан айтишиб ўтирибсизми, гўдак-ку ҳали».

Ислом ака «Иҳ» деб юрагини чангаллади-да, ўзини ташлаб юборай деди.

...Меливой ўзи ўраб олган тўр симни очиб ташлади. Ва ишдан бўшаб... колхозга аъзо бўлди. Саратонда унниқиб, кетмон чопди. Чигирткадек озиб кетди, аммо руҳи тетик эди.

Бир куни ишдан қайта туриб, одатдагидек почта қутисидан газета суғурди. Газета орасидан бир парча сарғиш қоғоз сирғалиб тушди. Олди ва ўқиди. Унда қуйидагилар ёзилганди: «Огоҳлантириш хати. Иккинчи марта. Ўртоқ Маҳкамов М! Сизни охирги марта қаттиқ огоҳлантирамиз. Кватирангиз ортидаги ер участкангизни уч кун муддатда тартибга келтиринг. Дарахтларни бутанг. Тагини юмшатинг. Суғоринг. Антисанитария ҳолати вужудга келишига йўл қўйманг. Акс ҳолда сизга нисбатан маъмурий чора кўришга мажбур бўламиз. ЖЭК».

Меливой Холтоев ишдан кетибди-да, деб ўйлади. Кейин бирдан ҳаёлига Ислом ака тушди: «Тузалиб кетдимикин, бояқиш?».

Абдусаттор ҲАТАМОВ.

Турфа олам

ФАҚАТ БИР КУННИНГ ЎЗИДА

Яқинда америкалик мутахассис Том Паркер статистика соҳасида ўзи олиб борган тадқиқотларга асосланиб, «Фақат бир куннинг ўзида» деб номланган китобини тайёрлаб, уни чоп этди. Унда Америка Қўшма Штатларининг ҳаётидан олинган жуда кўп мисоллар келтирилади. Уларнинг айримлари билан танишинг:

— Бир кунда америкаликлар ўз уйларида, завод ва фабрикаларда, шунингдек, фермаларда 1703 миллиард литр сув истеъмол қиладилар.

— 200 минг тонна озиқ-овқат чиқиндиларини, 20 минг та енгил ва 4 мингта юк автомобилларини ва автобусларни чиқариб ташлайдилар. Фақат Нью-Йоркнинг ўзида кўчаларда 20 та машина қолдириб кетилади.

— 150 мингта қутилар, яшчиклар, ҳар хил ўров қоғозларини чиқариб ташлайдилар. Уларнинг ҳаммасини олиб чиқиб кетиш учун 10 мингта юк трайлери ёки кетма-кет қўйилса узунлиги 200 километрни ташкил этадиган оддий юк машиналари керак бўлади.

— Тахминан 700 минг тонна инсон саломатлиги учун зарарли чиқиндилар ишлаб чиқарилади.

КОНКУРС КЕТИДАН КОНКУРС

Халқаро гўзаллар конкурси биринчи марта 1855 йилнинг июнида Америка Қўшма Штатларида цирк эгаси П. Т. Барнхэм томонидан уюштирилган эди. «Америка гўзали» конкурси биринчи марта 1921 йилда Атланта-Сити шаҳрида ўтказилган. Ўшанда малла сочли кўк кўз Маргарет Хорман ғолиб чиққан эди. 1951 йил июль ойидан «Жаҳон маликаси» конкурси, 1952 йилдан бошлаб катта лига жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи «Коинот» маликаси» конкурси ўтказилмоқда.

ТЕСКАРИ САНАШ БЎЙИЧА

Янги Зеландиянинг Палмертон-Норт шаҳрида тескарисига санаш бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 47 киши иштирок этди. Мусобақа қатнашчилари миллиарддан бошлаб нолгача санашлари керак эди. Кўпчиликнинг миллион, юз минг ва оддий сонлардан иборат рақамларда хато қилгани маълум бўлди. Беллашувда маҳаллий телевидениенинг диктори Майкл Дафни ғолиб чиқибди.

КАРТОНДАН ЯСАЛГАН ОГОҲЛАНТИРИШ БЕЛГИЛАРИ

Англия пойтахтининг ва мамлакат бошқа шаҳарларининг қатор йирик магазинларида ўғриликка қарши курашнинг одатдан ташқари кўриниши жорий этилган. Савдо залларида картондан ясалган, баландлиги қарийб икки метрга тенг қўғирчоқ полициячилар ўрнатилган бўлиб, уларнинг қўлларига ашёвий далил билан қўлга тушганларида ўғриларни кутадиган жазо чоралари ёзилган шиорлар тутқазиб қўйилган. Ана шу картон полициячиларни ишлаб чиқарувчи «Протакрил инсайн» компанияси вакилининг гувоҳлик беришига қараганда, бундай маҳсулотга талаб сўнгги вақтларда сезиларли даражада ошган. Сабаби, мазкур янгилик магазинлардаги ўғирликлар сонини учдан бирига камайтириш имконини берибди.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, РУЛНИ КАРМЕН БОШҚАРЯПТИ

Нью-Йорк штатида истиқомат қилувчи Кармен Дегруса исмли аёл ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун имтиҳонни топширганидан сўнг, бу воқеани муносиб нишонлашга қарор қилди. У янги гувоҳнома билан автомобиль рулига ўтирди. Аммо имтиҳон комиссиясининг аъзолари ўз вазифаларига лоқайдлик билан қараганга ўхшашади. Саккизта пачоқланган автомобиль, бир нечта уриб тўнтарилган светофор — Карменнинг шодиёна «саёҳати»нинг натижаси бўлди. Округ ҳаками Карменга тўрт минг доллар жарима солиб, беш йилга автомобилни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

БАРОМЕТРЛАР МУЗЕЙИ

Голландиянинг мўъжазгина Маартенсдик шаҳрида Берт Болл ташкил қилган барометрлар музейи бор. Музей коллекциясини унинг ўтмиш аждодлари XVIII асрдаёқ тўплай бошлаган эдилар. Ҳозир музейда ранг-баранг шаклдаги барча даврларга оид турли катталикдаги 180 та экспонат бор. Энг катта барометрнинг баландлиги 12 метрни ташкил этади.

АЯНЧЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Ҳар куни куррамизнинг йўлларидаги автомобиль фалокатларида 1100 киши ҳаётдан кўз юмади. Германия Федератив Республикасининг маълумотларни йиғувчи мутахассислари ана шундай хулосага келдилар. Ана шу эълон қилинмаган уруш туфайли ҳар йили жаҳоннинг 105 мамлакатида 400 минг киши ҳалок бўлади, 12 миллион киши майиб-мажруҳ бўлиб қолади.





⊙ САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ. Жумҳурият пионер ва ўқувчилар саройининг «Чаман» фольклор-этнографик ансамбли рақсоса қизларн ўз маҳоратларини ошириб боришаяпти. Жамоа Киев шаҳрида ўтадиган «Биз ҳаммамиз дўст ва иноқмиз» Бутуниттифоқ кўригига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Ҳ. Шодиев суратлари.

Яшил дорихона

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

⊙ ГУНАФША кўп йиллик ўсимлик бўлиб, диёримизда кенг тарқалган. Гулчилар унинг йирик хилларини яратишган. Буйракка ва пешоб йўлларидаги тошни эритиш хосияти бор. Бу ўсимлик таркибида кўп миқдорда ифор мойи ва С белги дармондори борлиги аниқланган.

⊙ АЛОЭ — дунёдаги энг қадимги шифобахш ўсимликдан бири. Унинг шарбатидан куйган, шиқаст топган аъзои-тан тез шифо топишини аждодларимиз ўша пайтлардаёқ билишган.

⊙ НАЪМАТАК ўсимлиги диёримизнинг деярли ҳамма жойларида, боғ-роғларда, томорқаларда, ҳовли-жойларда ҳам ўсаверади. Унинг мевасининг дамламаси қон босимига шифобахш ҳисобланади.

⊙ БИОЛОГ олимларнинг аниқлашича, от бир кунда қанча сув ичса, карам ўсимлиги шунча сув ичар экан. Энг «сувхўр» карам ўсимлиги мия, қон босими ва ошқозонга яхши давo бўлади.

⊙ ИККИ-уч ёшли олма дарахтида 45 мингга яқин илдиз бўлади. Олма ва унинг шарбати инсон саломатлигига ғоят фойдали бўлиб, кўпгина хасталикларда дaво мева ҳисобланади. Унда темир маъдани кўп бўлади.

⊙ ДИЁРИМИЗДА гулпар деган ўсимликнинг биргина «Леман гулпари» ўсади. Бу кўп йиллик, бўйи бир метрли ўсимлик. Унинг таркибида оқсил, ёғ, ифор мойи ва бошқа маъданлар бор. Гулпардан тайёрланадиган дорилар билан юрак-қон томир хасталиклари даволанади.

Шифобахш бу ўсимликлардан касалликни даволашда ҳеч шубҳасиз мутахассис шифокор билан маслаҳатлашилади.

Т. РАВШАНОВ
тайёрлаган.

Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

16-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Якка буюртмаларни тикувчилар, кенг профилдаги сартарошлар, қандолатчилар, ошпазлар, холодильник тузатиш слесарлари, озиқ-овқат моллари сотувчилари, умумий овқатланиш кассир-контролёри.

Билим юртига 9—11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ёшли ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 1—1,5 —3 йил.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Билим юртига кириш ҳақидаги ариза директор номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома ёки аттестат, соғлиғи ҳақида справка, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Билим юрти адреси: 700098, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, 1/2 Қора-Қамиш массиви, 20-уй (42, 43э, 56, 93-автобуслар, 19, 27-трамвайларнинг «Мактаб», 7, 10-троллейбусларнинг охирги «1/4-Қорақамиш» массиви, 82-автобуснинг «1/4-Қорақамиш массиви» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг

30-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УЗОҚ ШАРҚ УЧУН ИШЧИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

1990-1991 ўқув йили учун

ЁШЛАРНИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тепловоз машинистининг ёрдамчиси, электровоз машинистининг ёрдамчиси, пассажир вагонларининг проводниги, йўл мастери, ҳаракат составининг ремонтчи-слесари.

ЎҚИШГА 10-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ, СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ИСТЕЪФОГА БЎШАТИЛГАН ЁШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой, стипендия — ойига 72 сўм.

Дарслар рус тилида олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР — 1990 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Амалий машғулотлар «Хабаровск — Москва», «Тошкент — Иркутск» поездларида ўтказилади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини тамомлаганларга диплом берилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, паспорт, ҳарбий билет, характеристика, яшаш ва иш жойидан справка, 10 дона фотосурат (3х4 см).

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) СОАТ 9 ДАН БОШЛАБ 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, Червяков кўчаси, 12-уй (1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги

34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ун ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, ёрма ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, озуқа ем ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчиси, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, тунукасоз, қандолатчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 11-синф маълумоти билан — 1 йил. 9-синф маълумоти билан 2 йил.

Билим юртига 9-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига 11-синф маълумоти билан қабул қилинганларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти оладилар.

Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлаб турибди. Спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва турли тўгараклар мавжуд. Четдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳол.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, 2-Сельмаш проезди, 15-уй, (10, 16, 21, 28, 30, 48, 71, 72, 80, 111-автобусларнинг «Ташсельмаш» заводи» бекати, 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» метро станцияси» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Ўзбекистон ССР Халқ таълими Бош бошқармаси

41-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ВС» категориядаги ҳайдовчи ҳуқуқини олиш билан бирга автокранчи, енгил автомобиллар ремонти бўйича автослесарлар, бульдозер, скрепер, грейдер машинисти, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, слесарь-сантехник, ғишт терувчи.

Ўқишга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-10 синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида слесарь-сантехник, ғишт терувчи ихтисосликлари бўйича таълим олаётган ўқувчиларга (ўқиш муддати — 1 йил) стипендия, ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ҳамма ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фонзи берилади.

3 йил муддат билан таълим олаётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ва бошқа база корхоналарига ишга юбориладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Таълим даврида алоҳида ўзини кўрсатган ўқувчилар имтиёзли шартлар билан техника олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИГА ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШЛАРИ ЛОЗИМ: директор номига ариза, аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлик ҳақидаги гувоҳнома, характеристика, медицина справкаси, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см).

Бизнинг адрес: 700128, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар, 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати).

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун

қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун —1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони. Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

озиқ-овқат моллари контролёр-кассирларини тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА

озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари ҳам мумкин.

Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

ҲАР ЭҲТИМОЛГА ҚАРШИ...

Фалокат оёқ остида дейишади. Агар сиз олдиндан бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш шартномасини тузиб қўйган бўлсангиз, ана шундай кўнгилсиз ҳол юз берган вақтда госстрах ёрдамидан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш шартномасини 16 ва ундан катта ёшдаги шахсларга 1 йилдан 5 йилгача муддатга тузиш мумкин (бироқ шартнома муҳлати тугаган пайтда суғурта қилинувчининг ёши 75 ёшдан ошмаслиги керак).

Суғурта бадали йилига суғурта пулининг ҳар юз сўмидан 25 тийиндан 1 сўм 20 тийингачадир. Агар шартнома 3 йилдан 5 йилгача муддатга тузилган бўлса, 5-15 фоиз ҳажмида енгиллик берилади. Суғурта шартлари билан тўлароқ танишиш учун госстрах инспекциясига ёки корхонангизга хизмат кўрсатувчи суғурта агентига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон ССР Давлат суғурта идораси.

МАГАЗИН МАКОНИ:

СЛОНИМ КЎЧАСИ, 3-УЙ

«Ташкультторг»нинг 18-магазинида

сиз радио ва фотобуюмлар, телевизорлар, театр дурбинлари ва бошқа ҳар бир хонадонда зарур бўлган кўпгина нарсаларни

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

РАДИО БУЮМЛАРИ БЎЛИМИДА СИЗГА

«УКРАИНА» (баҳоси 19 сўм), «ОБЬ», «АРНАН» (5 сўм), «СИБИРЯК» (22 сўм) **радиокарнайлари;**

ХОТИРАЛИ ТЕЛЕФОНЛАР (баҳоси 203 сўм); «ЭЛЕКТРОНИКА» (144 сўм), «РИГА» (328 сўм), «АЭЛИТА» (328 сўм), «ВЕСНА» (365 сўм), «ЭЛЕКТРОНИКА» (168 сўм) **магнитофонларини таклиф қилишади.**

Телевизорлар бўлими савдосида: «Радуга ЦД 304» (755 сўм), «Рекорд Ц 275 Д» (755 сўм), ««Спектр Ц 280 Д» (755 сўм), «Весна Ц 276» (720 сўм), «Темп Ц 280 Д» (755 сўм) маркали телевизорлар бор. Харид қилишдан олдин телевизорлар 30 минут мобайнида текширишдан ўтказилади.



Фотобуюмлар бўлимида «Смена» (15 сўм), «Любитель» (26 ва 27 сўмлик), «Этюд» (28 сўм) фотоаппаратлари, диапроекторлар (40 ва 25 сўмлик), «Русь» кинокамераси (275 сўм); «Русь» кинопроектори (108 сўм); театр дурбинлари (12, 20, 36 ва 40 сўмлик); «Турист» дурбини (40 ва 60 сўмлик); фиксажлар (16, 25 ва 30 тийинлик); фотоқоғозлар (60 тийиндан 3 сўмгача); фотоплёнка (35 тийиндан 4 сўмгача)лар савдога қўйилган.

Магазинга 3, 23-трамвайлар ва 22, 61-автобусларда бориш мумкин («Котельная» бекати). Магазин соат 10 дан 19 гача ишлайди. Тушлик танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — душанба.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТДА

ИТАЛИЯНИНГ «СИМИ ИНТЕРНЕЙШНЛ» ВА ФРАНЦИЯНИНГ «СИДЕЛЬ» ФИРМАЛАРИ «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

20 ВА 22 МАРТДА

ТОШКЕНТДА «ШАРБАТЛАР, СУВЛАР, ЕҒЛАР, ЧАНҚОВБОСДИ ВА СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ҚУЙИШ УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН (0,3 л. дан 5 л. гача сиғимли) ПЛАСТИК БУТИЛКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ» МАВЗУИДА.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ЎТКАЗАДИ

Фирмалар томонидан тавсия этилаётган чучук сувга эҳтиёж катта бўлган манзилларга ичимлик сув ташишга мўлжалланган ТАРАЛАР бизнинг минтақамиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Симпозиум ишида олтита чет эллик вакиллар, шунингдек, совет фирмалари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон корхоналари ва муассасаларининг вакиллари иштирок этадилар.

Симпозиум дастуридан — кўрсатилган мавзу муҳокамаси, фирмалар томонидан эсдалик ҳадялари улашиш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг намуналари билан танишиш, реклама материалларини кўздан кечириш, амалий фикр алмашувлар ҳамда шартномалар тузиш ўрин олган.

Симпозиум Кино уйи (Ўзбекистон кўчаси, 98-уй) да соат 14 да бошланади.

СИМПОЗИУМ ИШИДА ИШТИРОК ЭТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

45-37-27, 45-37-26 телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 МАРТДАН — 1 АПРЕЛГАЧА СОАТ 11, 14, 17.00 ДА

мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 бўлимдан иборат программада

Цирк санъатининг барча жанрлари иштирок этади.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси ишлайди.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-24.

ТЕАТР

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.0.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/III да **Зебуннисо**, 16/III да **Раймонда.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **«Пуч»**, 16/III да **Кориолан.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/III да **Кампир кетармиш**, 16/III да **Мушкул савдо.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Отасининг қизи**, 16/III да **Майсаранинг иши** (19.00).

КИНО

15 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
Чайка — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (18.30, 21.00).
Москва — «РИО ФУҚАРОСИ» (18.20, 20.40).
К. Ёрматов номли — «ОШИҚ ЭРКАК» (тоқ соатларда).
Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (18.30, 21.00).

16 МАРТДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
Чайка — «КОИНОТДАГИ ХАЗИНАЛАР ОРОЛИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00),
Москва — «ОҚСУЯК» (11, 13, 15, 17, 19, 20.40).

Тошкент политехника институти ректорати, партия қўмитаси, касаба союз қўмитаси, радиоэлектроника ва автоматика факультетининг «Электротехниканинг назарий асослари» кафедраси доценти Б. Н. Раҳмоновга отаси

Набижон РАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар тез ёрдам клиник касалхонаси жамоаси клиник лаборатория мудири

Малик АБДУСАМАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Совети Ҳамза район ижроия комитети «Асфальтбетоншчик» ширкатининг йўқолган

ДУМАЛОҚ ГЕРБЛИ МУҲРИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар кунн ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. 03162.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.